

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ТИББИЁТ
АКАДЕМИЯСИ
УРГАНЧ ФИЛИАЛИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР КАФЕДРАСИ**

**ПЕДИАТРИЯ ВА ДАВОЛАШ ФАКУЛЬТЕТЛАРИ 6-КУРС ТАЛАБАЛАРИ УЧУН БОЛАЛАР ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАРИ
ВА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ФАНИДАН
МАЪРУЗАЛАР МАТНЛАРИ**

(Ўзбек ва рус тилида)

Урганч – 2007 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
УРГАНЧ ФИЛИАЛИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР КАФЕДРАСИ

“Тасдиқлайман”
директорнинг ўқув ишлари
бўйича муовини профессор,

_____ Нуралиев Н.А. «____» _____ 2007
йил

ПЕДИАТРИЯ ВА ДАВОЛАШ ФАКУЛЬТЕТЛАРИ 6-КУРС ТАЛАБАЛАРИ УЧУН БОЛАЛАР ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАРИ
ВА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ФАНИДАН
МАЪРУЗАЛАР МАТНЛАРИ

(ўзбек ва рус тилида)

Урганч – 2007 йил

Мундарижа

№	Мавзу	Соат	Бет
1.	Юқумли касалликларда юқори ҳарорат билан кечадиган касалликларнинг эрта ва қиёсий ташхиси	2	4-12
2.	Респиратор ва ангина билан кечадиган касалликлар эрта ва дифференциал диагностикаси	2	13-20
3.	Экзантема билан кечадиган касалликларнинг эрта ва қиёсий ташхиси	2	21-30
4.	Сариклик синдроми билан кечадиган касалликларнинг эрта ва қиёсий ташхиси	2	31-38
5.	Диарея билан кечадиган касалликларнинг эрта ва қиёсий ташхиси	2	39-46
6.	Умум амалиёт шифокори тайёрлашда паразитар касалликларни ўрганиш	2	47-57
7.	Ўта хавfli юқумли касалликларнинг эрта ва қиёсий ташхиси. Шифокор иш режаси.	2	58-62

1.	Ранняя и дифференциальная диагностика синдрома лихорадки при инфекционных заболеваниях	2	63-70
2.	Ранняя и дифференциальная диагностика инфекционных заболеваний с синдромом диареи	2	71-76
3.	Ранняя и дифференциальная диагностика инфекционных болезней, протекающих с синдромом желтухи	2	77-89
4.	Ранняя и дифференциальная диагностика инфекционных заболеваний сопровождающихся экзантемами	2	90-101
5.	Ранняя и дифференциальная диагностика ООИ. Тактика врача при обнаружении больного с подозрением на ООИ	2	102-117
6.	Паразитозы в практике врача общей практики	2	118-122
7.	Ранняя и дифференциальная диагностика инфекционных заболеваний, сопровождающихся	2	123-134

	респираторным синдромом и ангинами		
8.	Ранняя и дифференциальная диагностика инфекционных заболеваний, сопровождающихся синдромами менингита и менингоэнцефалита	2	135-144
9.	Вакцинопрофилактика управляемых инфекций	2	145-153

МАВЗУ: ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА ЮҚОРИ ҲАРОРАТ БИЛАН КЕЧАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ЭРТА ВА ҚИЁСИЙ ТАШХИСИ

Маъруза режаси: умумий амалиёт шифокорлари тайёрлашда тана ҳароратининг ошиши билан кечадиган касалликлар кўп учрайди, уларнинг эрта ташхисоти ва қиёсий ташхисоти муҳим рўл касб этади. Маърузанинг асосий мақсади талабаларни касалликнинг клиник белгиларига асосланиб эрта ва қиёсий ташхисотини ўргатиш.

Кириш. Барча юқумли касалликларнинг асосий белгиси тана ҳароратининг ошиши ҳисобланади. Амалиёт шифокорлари беморда ҳарорат ошса аввало юқумли касалликларни назарда тутадилар.

Тана ҳароратини ошиши ҳамма юқумли касалликларда кузатиладиганлиги сабабли бу синдромни дифференциал диагностикаси жуда қийин. Шунини билиш керакки тана ҳароратини ошиши ҳамма вақт иситма ҳисобланмайди, юқумли касалликларга эса иситма хос. Иситма деганда тана ҳароратининг терморегулятор ошишини тушинамиз, бу организмнинг касалликка нисбатан ташкилланган жавоб ҳисобланади, чунки организм ўзи тана ҳароратини нормадан юқорига тиклайди. (М. И. Лоурин 1985 й).

Тана ҳароратини ошиши иссиқлик продукцияси ва иссиқликни ташқарига чиқариш дисбаланси натижасида келиб чиқади (гипертиреоз, захарланиш, иссиқ уриш).

Шунинг учун иситманинг табиати бошқа бўлган тана ҳароратини ошиши билан кузатиладиган касалликлар билан дифференциал диагностика қилиш керак ва шунини билиш керакки иситма табиатини юқумли бўлмаган касалликларда ҳам учраши мумкин. Барча юқумли касалликларга хосиситмани шифокор барча параметрларга кўра деталлаштирилади қилиш керак. Иситма реакциялари давомийлиги, юқори сонда бўлиши ва ҳарорат чизиги типи билан фарқ қилинади. Давомийлигига кўра иситма ўткир (2 ҳафтагача), ним ўткир (6 ҳафтагача) ва сурункали (8 ҳафтадан кўп) бўлади (В.С. Матковский, А.П.Казанцев 1970). Даражасига кўра субфебрил ҳарорат (t 37-38C), ўрта юқори ёки фибрил (t 38-39 C), юқори ёки пиретик (t 39-41C) ва гиперпиретик (t 41 C).

Тана ҳароратини чизикларини турлари.

Доимий иситма (febris continua), ўрта юқори ёки юқори ҳарорат билан, кундалик тебраниш t 1 C кечади. Бу ич терламанинг, тошма тифнининг, ўлатнинг ва кизамиқнинг касалликларини авж олганида кузатилади.

Ремитирловчи иситма (febris remitens), кундалик тебранишлар t 1C кўп, t 2-2,5C бўлади. Бу йирингли касалликларда А-паратифида, Ку4-иситмада, қайталанувчи тифда, амиландозда кузатилади.

Интермитирловчи иситма (febris intermittens) ҳароратини тебраниши катта ва иситма хуружининг тўғри алмашиши апирексия даврлари (2-3 кун) билан кечади. Бу 3-4 кунлик налярияда кузатилади.

Гектик иситма (febris hektika) ҳароратини тебраниши жуда катта (t 3-5C), бирданига нормагача тушиши ёки ундан кам пастроқ бўлиши билан ҳарактерланади. Сепсисда ва силнинг оғир формаларида кузатилади.

Қайталанувчи иситма (febris recurrens), иситма хуружлари ва давомийлиги ҳар хил бўлган иситмасиз даврлар билан ҳарактерланади. Иситма бирдан бошланиб бирдан тамом бўлади. Бу қайталанувчи тифда кузатилади.

Тулқисимон иситма (febris indolans), ҳароратни кундан-кунга ошиши ва кейинчалик тушиши билан ҳарактерланади. Қайталанувчи иситмадан секин тушиши билан фарқланади. Бу бруцеллезда кузатилади.

Бузилган иситма (febris inversa), эрта тонгда ҳарорати юқори, кечки ҳароратга нисбатан бўлиши билан ҳарактерланади. Силда сепсисда кузатилади.

Нотўғри иситма (febris irregularis et atipica) ҳар хил кундалик тебранишлар, юқори ва ўрта юқори ҳарорат билан ҳарактерланади. Менингитда, гриппда, куйдирги ва бошқа касалликларда кузатилади.

Ҳарорат чизигининг босқичлари.

Ҳароратни кўтарилиши босқичи (stadium inoementi) бир неча соат давом этади, (малярия, тошмали тиф, крупоз пневмония) бир неча кунгача, ҳафтагача давом этади (қорин тифи, бруцеллез, сепсис).

Иситманинг авж олган босқичи (stadium fasigii), бир неча соат давомида кузатилади (малярия) бир неча кунгача, ҳафтагача (қорин тифи, бруцеллез, сепсис).

Ҳарорат пасайиши босқичи (stadium decrementi) қисқа ёки узоқ бўлиши мумкин. Қисқа босқичида ҳарорат юқори сонлардан нормагача 1-3 соат ичида тушади. Баъзи касалликларда ҳароратни нормагача пасайиши 4-8 кунни ташкил этади, бу ҳароратнинг литик пасайиши дейилади (қорин тифи), айрим ҳолларда кундалик тебранишлар жуда катта бўлади (амфиболон давр). Лизиснинг қисқа варианты ҳам учрайди, ҳарорат 2-3 кун мобайнида нормага қайтади (тошмали тиф).

Интоксикация ва иситма реакциясини динамикаси асосида касалликнинг бошланишига кўра ҳарактерини аниқлаш мумкин.

Касалликнинг ўткир бошланиши 1-3 кун мобайнида ҳароратнинг ошиши билан фарқ этади, кучли совқотиш ва интоксикация ходисасини тез ривожланиши билан фарқ этади. Касалликнинг секин ривожланишида тана ҳарорати секин ошади 4-7 мобайнида энгил совқотиш ва ўртача интоксикация белгилари билан кечади. Шунини билиш керакки этиотроп терапияни эрта қўллаганда ҳарорат чизиги кескин ўзгаради.

АСОСИЙ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА ИСИТМАНИНГ ХОСЛИГИ.

ТИФОПАРАТИФОЗ КАСАЛЛИКЛАРИ.

Иситма бу қорин тифининг А В паратифларини доимий характерли симптоми ҳисобланади. Қорин тифида ҳарорат чизиғи характеристикасини биринчи бўлиб немис шифокори Вундерлих аниқлаган. Бунга кўра ҳарорат чизиғи трапециясимон бўлади, бундабиринчи фаза (ҳарорат ошиши)- хафта мобайнида бўлади, иккинчи фаза (авжини олган давр)- икки ҳафтагача ва учинчи фаза (ҳарорат тушиши)-бир хафта.Кўпинча учинчиҳарорат нормаллашидан олдин амфибола характерли бўлади. С.П. Боткин (1880) ўзининг кузатувларидан келиб чиққан ҳолда Вундерлихнинг “классик” ҳарорат чизиғи 8,1% ҳолларда учрашини кўрсатган. Қорин тифига асосан тўлқин кечиши хос, бунда ҳарорат тўлқинлари бир-биридан кейин бўлиши.

Қорин тифида И. С. Кильдюшевскийнинг (1896) фикрига кўра организмнинг секин эмас қисқа вақтда “қизиши” бўлади. Шифокорнинг буйруғига кўра беморнинг антибиотикларини кенг қўллаш ҳарорат реакциясининг давомийлиги қисқаради. Кўпинча антибиотикотерапиядан кейин (4-5 кунда) ҳарорат пасаяди. Охириги йилларда қорин тифида антибиотикларни қўлламаганда ҳарорат реакциясининг давомийлиги 2-3 ҳафтагача қисқарган. Ҳарорат реакциясининг интенсиблиги ҳам ўзгарган. Олдин қорин тифи ҳароратни 40 С ва ва ундан юқори бўлиши билан кузатилган, ҳозирги замонда эса t 38дан t 39 С-40 С, айрим ҳолларда субфебрил бўлади (Л. В. Захарова 1981) Ўрганизмнинг тез “қизиши”билан иситма реакциясининг тез ошиши кузатилади.

Ҳозирги вақтда қорин тифида тана ҳарорати чизиғи ўзининг ўзгарувчанлиги билан фарқланади, кам ҳолларда уларнинг классик вариантлари рўйхатга олинади. Кўпинча ремитирловчи ёки нотўғри ремитирловчи иситма ривожланади, касалликнинг оғир формаларида доимий турда бўлади.

Касалликни тузалиши аста-секин бўлиб, ҳароратнинг литик тушиши кузатилса, амфиболик ўзгариш бўлмайди. Беморларнинг яримидан кўпроқ иситма қисқа лизис билан якунланади (Л.Б. Захарова 1981). Замонавий қорин тифи тана ҳароратининг ошиши юқори иситманинг қисқа давомийлиги ва ҳароратнинг қисқа литик пасайиши билан характерланади.

Ҳарорат ошиши тиф-паратиф касалликлари билан оғирган беморларда интоксикация симптомлари (бош оғриғи, тутлиқиш, иштаха йўқлиги, уйқусизлик) билан кечади. Касалликнинг авж даврига гипотония, нисбий брадикардия, пульс диспротия хос. Ҳазм қилиш системаси организмнинг шикастланиши, симптомлари (қуруқ тил, дарс кетган, қалинлашган ва тиш ўринлари бор, қараш билан қопланган) “фулгиноз тил” кузатилади. Метеоризм туфайли қорин шишган, ўнг ён боши соҳаси пайпаслаганда оғриқ бўлиши кузатилади, қулдириш ва Падалка симптоми мусбат бўлади. Касалликнинг биринчи ҳафтаси охирида гепатолиенал синдроми кузатилади. Касалликнинг 8-10 кунда терида розеол тошмалар пайдо бўлади, касалликнинг авж даврида лейкопения, нисбий лимфацитоз нормал ЭЧТ тезлашиши кузатилади.

ТОШМАЛИ ТИФ.

Тошмали тифнинг асосий клиник симптоми иситма ҳисобланади. Иситманинг бошланиши ҳароратни 2-3 кун мобайнида t 39-40 С гача ошиши билан кечади. Ҳарорат ошиши эрталаб ва кечкурун ҳам бўлади. Айрим ҳолларда ҳарорат бирдан юқори сонларга ошиши (t 39-40 С) кузатилади. Айрим ҳолларда ҳароратни ошиши зинама-зина бўлади, 3-4 кун мобайнида эрталабки ремиссия билан.

Кўпинча касалликнинг 4-5 кунда иситманинг доимий типини кузатилади, Бундай ҳолат антибиотик олмаган беморларнинг авж даврида кузатилади. Ҳароратнинг кундалик тебраниш кам бўлса, касаллик ҳам шунчалик кейин кечади оқибатида ёмон бўлади. Ремитирловчи ҳарорат бўлганда оқибатида яхишироқ бўлади.

Айрим ҳолларда тошмали тифда ҳарорат «кесишмалар» кузатилади ҳарорат бирдан t 1,5-2 тушади, лекин беморнинг аҳвали яхши бўлмайди. Тошмалар пайдо бўлганда ҳарорат яна юқори сонларга ошади, касалликнинг авж даври кузатилади. Бу «кесишма» ҳамма вақт учрамайди, касалликнинг бошланғич ва авж даври орасида чегара бўлади.

Иккинчи ҳарорат «кесишма касалликнинг 8-10 кунда кузатилади. Шу вақтда ҳароратни t 1,5-2 С тушиши кузатилади (лекин нормага эмас). Кейин ҳарорат яна ошади аввалгисонларгача, 3-4 кундан кейин яна тушади ва тезда нормага айланади. Бу ҳарорат «кесишма» беморларни антибиотиклар билан даволаганда кутилмаслиги мумкин.

Тошмали тиф оғирлашмаган даврида ҳарорат 2-3 кунда қисқа лизис типиде тушади. Айрим ҳолларда лизис 4 кун кузатилади. Тошма тифни ўткир бошланганида, биринчи кунда ҳароратни ошиши кузатилади, бош оғриққа, холсизликка, уйқусизликка шикоят қилади. Беморларни энгил кўзгалувчанлиги, юзининг териси гиперемияси, шишиши кузатилади (юзи ҳаммомдан чиққан одамникидай бўлади), конъюнктиванинг гиперемияси, кузнинг ёрқин ялтғириш (“қўён кузи”), булар касалликнинг учинчи кунда кузатилади ва яна Киари-Авцина, Розенберг, Адесман, Говоров-Годелье, хансираш, гипотония, умумий тремор белгилари симптомлари кузатилади- бу биринчи 2-4 кунда қорин тифида ажралиб туради.

Қорин тифи билан касалланган беморлар адинамик, тери қопламалари оқимтир бўлади, бродикардия, пульс дискротияси “Падалка” симптомлари мусбат бўлиши, ўнг ён бош соҳаси пайпаслаганда оғриқ бўлиши кузатилади. Касалликнинг 4- кунларида пайдо бўладиган тошманинг дифференциал-диагностик аҳамияти катта.

Брилл-Цинссер касаллигида ҳарорат 38-39 С дан ошмайди. Ҳарорат доимий типиде бўлади. Иситма даврининг ўртача давомийлиги 8-10 кун бўлади. Ҳарорат қисқа лизис кўринишида тушади. Бош нерв системасининг шикастланиш симптомлари: бош оғриққа, уйқусизликка, кўзгалувчанлик, кўп гапириш Говоров-Гаделье мусбат симптоми, менингиал симптомлари кузатилади.

ГРИПП.

Тошмали ва қорин тифининг бошланғич даврида беморларга грип ёки аденовирус инфекция деб ташхис қўйилади. Лекин грип ўткир бошланади ва касл кунини, соатини ҳам айтади. Ҳарорат касалликнинг 1-2 чи кунда ошади умумий интоксикация боради t 39-40 С. Биринчи икки кунда касалликнинг умумий интоксикация белгилари (кучли бош оғриқ, холсизлик) кузатилади. Иситма даври гриппнинг энгил кечишида 1-5 кун давом этади, кейин ҳарорат қисқа лизис бўлиб тушади, нормал бўлади. Айрим ҳолларда кучли тер ажралади, коллапс кузатилади.

АДЕНОВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯ.

Айрим беморларда ўткир бошланади, ҳарорат 2-3 кунда t38-39С, айрим ҳолларда t 40С бўлади. Баъзида касаллик секин бошланади ва юқори ҳарорат касалликнинг 3-4 кунда пайдо бўлади. Иситма совкотиш билан бир ёки 2-3 ҳафта давомида кузатилади. Ҳарорат доимий ёки ремитирловчи характерда бўлади.

Касалликнинг авжида интоксикация симптомлари кам бўлади. Аденовирусли инфекцияда гриппга қараганда бурун битиши ва сероз-йирингли ажралмалар кўп миқдорда қиқиши кузатилади. Конъюнктивит катарал ёки филликуляр бўлади.

Оғиз бўшлиғининг гиперемияси, юмшоқ танглайнинг донаторлиги кузатилади. Тонзиллит, бўйин лимфаденит, гепатолиенал синдром кузатилади. Пневмония ривожланганда умумий аҳвол кескин оғирлашади, интоксикация кучаяди, ҳарорат ошади. Ўпкада ўзгаришлар бўлади(перкутар шовқинининг бугиклашуви, қуруқ ва ҳар хил ҳажмли нам

хирриллашлар бўлади). Аденовтрусли инфекция билан ёш болалар касалланадилар. Аденовтрусли инфекцияни тошмали ва корин тифидан фарқи интиоксикация камроқ бўлади, ўткир респиратор касалликнинг симптомлари конъюнктивит, тонзиллит, лимфаденит кузатилади.

МЕНИНГОКОККЛИ ИНФЕКЦИЯ.

Менингококкли инфекция иситма билан кечадиган касалликлар қаторига киради. Иситма субфебрил даражадан жуда баланд ҳам бўлиши мумкин (42 С). Ҳарорат доимий интентирловчи ва ремиттирловчи бўлади. Бир хил авторлар доимий ҳарорат ёмон натажа беради дейди. Этиотроп даволанганда кўпчилик касалликларда ҳарорат 1-3 кун давомида меъёрга яқинлашади, оз миқдор касалларда 1-2 кун давомида субфебрил ҳарорат қолиши мумкин. Менингитга кучли бош оғриқ ва қайт қилиш характерли. Бу касалликда бир холатни кўриш мумкин: бемор ёнбошида ётган ҳолда бошини орқага ташлаб оёқларини қорнига олиб келади. Касал ётганда ҳам бошини орқага ташлаб ётади. Энса мушаклари қисқарган. Кернинг ва Брудзинский белгилари мусбат. Қонда лейкоцитоз ($20 \times 10^9 / л - 25 \times 10^9 / л$) ва нейтрофиллез кузатилади. Ташхис люмбал пункциядан кейин тасдиқланади. Орқа мия қаналида юқори босим, лойқаланган йирингли суоқлик, юқори цитоз (6000-10000 хужайра 1 мкл да) нейтрофиллар хисобига, грамм манфий диплококколлар кўп миқдорда оксил (0,45-3г/л) Панда ва Конне-Апельта реакциялари мусбат бўлгани менингит белгилари.

Менингококкцемияда иситма кўпинча интентирловчи. 1-2 кун давомида ҳарорат юқори (39-41С) кейинчалик иситма доимий, гектик, субфебрил, қараҳда эса нормал бўлиши мумкин. Касалликнинг биринчи кунда интоксикация белгилари кўринади: тери қатламининг қуриши, тил қараш билан қопланган, чанқоқ, иштаха бузилиши. Асосий клиник белги-бу геморрагик тошма.

Геморрагиклар ҳар хил бўлиши мумкин: петихиялардан (майда нуктали) катта қон қуйилишларгача. Менингококкцемиябилан менингитни бирга келиши, бу менингитни бошқа менингитлардан дифференциал диагностика қилишда катта ёрдам беради. “Тоза» менингококкцемиядаташхис қўйиш қийинлашади. Менингококкцемияни грипп, қизамиқ, скарлатини, қизилча, тошмали тиф, геморрагик лихорадка, септицемия ва бошқа касалликлар билан дифференция қилиш керак.

МАЛЯРИЯ (БЕЗГАК).

Иситма билан кечадиган касалликлар қаторига киради. Маляра циклик кечиш (юқори ҳарорат, аперексия билан алмашади), спленогепатомегалия, анемияЮ нерв тизимининг шикастланиши, буйрак ва бошқа аъзоларининг шикастланиши рецидивлар хос.

Типик безгак хуруж (параксизм) калтираш, ҳарорат кўтарилиши ва терлашдан иборат. Хуруж кўпинча куннинг биринчи яримида калтирашдан бошланади. Калтираш 30 дақиқадан 3 соатгача бўлиши мумкин ва ҳарорат кескин кўтарилади. Калтираш ҳарорат кўтарилиши босқичи билан алмашади, ҳарорат 39-40 С гача бўлиши мумкин, умумий интоксикация белгилари кучаяди. Бир неча соатдан кейин кучли терлаш кузатилади. Ҳарорат кескин пасаяди, бемор ўзини бир оз енгил хис қилади. Хуруж 8-12 соат давом этади, типик безгакда бир кун ва ундан ҳам кўпроқ давом этади. Хуруждан кейин аперексия даври бошланади 48-72 соат.

Агар қонда паразит генерацияси бўлса иситма тўғри интентирловчи характерда бўлади. Агар қўшимча хажмда паразитлар пайдо бўлса хуружлар бир-бирига қўшилиб кетади, аперексия даври секин йзқолади, бунда иситманинг характери ўзгаради. Кўп ҳолларда генерация бўлади P L. Falciparum қўшилади, шунинг учун тропик безгакда ремиттирловчи субконтинуал ёки нотўғри типда иситма учрайди. Лекин бу бирламчи безгакга хос ва рецидивларда кузатилади. Безгакнинг қайталаниши параксизмларнинг тўғри кетма-кетлиги билан кечади. Хуруждан ташқари талоқ ва жигарнинг катталашуви ва оғирлиги, гипахром кам қонлик катта аҳамиятга эга. Ташхис қонда безгак паразитларининг топилиши билан исбот қилинади-йирингли томчи васуртма. Эпидемиология анамнез ҳам катта аҳамиятга эга Икки йил олдин безгак бўйича эндемик соҳада бўлиш уч ой аввал гемантрансфузия қилиш. Малярани сепсис, тифопаратифоз касалликлар бруцеллез, лептоспироздан фарқлаш керак.

ТОКСОПЛАЗМОЗ.

Иситма ошиши билан кечадиган паразитлар касалликлар қаторига киради. Ўткир орттирилган токсоплазмоз биринчи кунларда тана ҳарорати юқори бўлади ($t 38-40 \text{ C}$), иккинчи ҳафтадан ҳарорат субфебрил ёки нормал бўлади. Клиник кўриниш полиморф бўлади, лекин кўпинча тифоид (тошмали) ва энцефалитик шакллари ажратилади.

Тифоид шакли ўткир бошланади, юқори ҳарорат, умумий интоксикация белгилари касалликнинг 4-7 кунда танада макуло-папулез тошмаларнинг пайдо бўлиши, лимфа тугунлари, жигар ва талоқнинг катталашуви билан таърифланади. Касаллик оғир кечади, кўпинча бемор ўлади, хавфсиз кечганда 2-3 ҳафта давом этади ва асорат қолдиради, кўзлар шикастланади.

Энцефалитик шаклда МНС нинг шикастланиш белгилари кўринади. Бунда қуйдаги белгилар кўринади: юқори ҳарорат, каттик бош оғриғи, тутқаноқлик, қайт қилиш, галлюцинация (алахсираш), гемиплгия, бош мия нервларининг фалажи, менингиал симптомлар. Бемор соғайганда ўзгаришлар қолади-олигофрения, эшитиш пасайиши, оёқ қўйларнинг паретик холсизлиги. Клиник кўринишлар ҳар хил бўлганлиги сабабли ўткир токсоплазмоз ташхисини қўйиш жуда оғир. Ташхис қўйганда лаборатор усулларидан РСК. РПГА. Сабина-Фельдман реакциялари катта аҳамиятга эга. Шунингдек, токсоплазмоз билан тери ичига аллергик синама қўлланилади.

БРУЦЕЛЛЕЗ.

Ўткир бруцеллезнинг энг муҳим белгиси бу иситма. У бир типда бўлмайди ва бир беморда ўзгариб туриши мумкин. Ҳарорат чизиклари ҳар хил бўлади: тўлқинсимон, интентирловчи, ремиттирловчи. Беморда кучли терлаш кузатилади («бемор ўз терида чўмилади»). Ҳарорат кўтарилиши тўлқинлари орасида 3-5 кун бир неча ҳафта ва ойларгача вақт бўлади. Тана ҳарорати юқори, узоқ субфебрил, нормал бўлиши мумкин. Кўпинча ҳарорат субфебрил, бўлади. Беморларнинг аҳволи юқори ҳароратда ҳам қониқарли бўлиши мумкин, урогенитал, асаб тизимини шикастланиши.

Эпидемиологик анамнез катта аҳамиятга эга: хайвон ва чорвадорлик маҳсулотлари билан алоқа. Ташхис қўйганда ткеширишнинг серологик усуллари катта аҳамиятга эга-РА ва Хеддилсон, РСК ва РНГА бруцеллез антигени билан. Аллергик усуллардан тери ичига Бюрне синамаси қўлланилади.

ИНФЕКЦИОН МОНОНУКЛЕОЗ.

Иситма, юткинди ўзгаришлар, лимфа тугунлари, жигар ва талок катталашиши, гематологик ўзгаришлар ва гетерафил антителолар титрининг ошиши билан кечади. Касаллик аста-секин бошланади. Биринчи 2-3 кунларда энгил холсизлик ва тана ҳароратининг кўтарилиши кузатилади. Юқори ҳарорат 1-2 кундан 3 ва ундан ҳам кўп ҳфата бўлиши мумкин. Ҳарорат қисқа вақт давом этса унчалик юқори эмас (t_{37} , 5-38 С), узоқ вақт давом этса t 39-39, С гача бўлади. Гипертермия оз кузатилади ((40-41С). Кун давомида ҳарорат 1-2 С га ва кескин пасайиши мумкин. Мухим клиник белгилар- юқори тана ҳарорати, ангина, лимфоаденопатия, гепатоспленомегалия. Гематология белгилари: лейкоцитоз (бир ядролу клеткалар ҳисобига-лимфацитлар ва моноцитлар) ва атипик мононуклеозлар. Серрологик усуллардан гетерогемаглюцинация реакцияларининг модификациялари қўлланилади: Паул-Буннел, Гофф ва Бауэр, Ловрик-Вольнер реакциялари.

ТРИХИНЕЛЛЕЗ.

Аллергик белгилар билан кечадиган ўткир иситмали касалликлар қаторига киради. Гельминтазанозлар туркими. Касалликнинг биринчи кундан ҳарорат кўтарилиши, боў оғриқ, қавок ва юзнинг шиши, эзонофилия, ўзини ёмон хис қилиш кузатилади. Тулик клиник манзара 2-4 кун давомида ривожланади.

Кўпчилик касалларда истма ремиттирловчи бўлади ва умумий токсик белгилар терлаг билан чиқади. Трихиниллез энгил шаклида кечганда иситма 5-7 кун давом этади. Оғир шаклда 6-8 ҳафтагача давом этади. Трихиниллез оғир кечганда оғир миалгия ап контрактуралар бўлиши мумкин. Бемор истемол қилган гўштни микроскопик текширганда трихинеллалар кўринади. Қонни текширганда эозинофилия (50-60 ва 90%), лейкоцитоз кузатилади.

Ташхис қўйганда иммунологик тестлар қўлланилади: кольцепреципитация реакцияси, совукда РСК, трихинеллез антигени билан тери ичи аллергия проба.

ТУБЕРКУЛЕЗ.

Иситма билан кечадиган юқумли касалликлар қаторига киради. Иситма узоқ давом этиб, ҳеч қайдай органларнинг шикастланишсиз ўтади. Иситма интермиттирловчи бўлади ва совуқотишсиз ўтади, айрим ҳолларда талок катталашуви кузатилади. Бундай клиник манзара холсизланган беморларда силнинг гематаген тарқалишида кузатилади.

Сил ўпкадан ташқари жойлашса иситма биринчи симптом бўлади. Шифокор ўпка шикастланиши билан ажратиб билмай қолганда ташхис қўйиш мумкин бўлади. Силга гумон қилинганда маҳаллий кўзгаришларни излаш керак. Улар ўпкада. Лимфа тугунларида ва бошқа аъзоларда бўлади. Баъзан балғам бўлмаслиги сабабли ҳар хил биологик материалларни бактериологик текширувдан ўтказилади. Айрим ҳолларда ех *juvantidus* ташхис қўйишга тўғри келади.

СЕПСИС.

Ташхис қўйдагилар асосида қўйилади: септик ўчоқ, инфекция кириш дарвозалари, гектик характерли иситма, терлаш, доимий совуқотиш, тананинг ҳар хил жойларида геморрагик тошмалар. Масалан: кўзнинг шиллик қаватида (Лукин-Либман доғлари), юмшоқ таловнинг катталашуви, юқори ЭЧТ, нейтрофил лейкоцитоз.

СОМАТИК КАСАЛЛИКЛАР.

Иситма синдроми ҳамма ҳавfli ўсмаларда учраши мумкин. Лекин кўпи анча иситма гипернефромада, жигар бирламчиметагастатик ўсмаларда, ошқозон ўсмасида, хавfli лимфомада, лейкозда кузатилади. Иситманинг ўзига хос белгиси хавfli ўсмаларда антибототикотерапияга резистенлиги, иситманинг нотўғри типии ва иситманинг эрталаб максимум бўлиши.

Иситманинг сабабини билиш учун. Иситманинг эрта диагностика қилиў учун эндоскопик усулларни, органларнинг пункцион биопсиясини, лимфаграфияни, лапараскопияни, диагностик лапоратамияни қўллаш мумкин. Иситма каллагенос касалликларнинг гуруҳида ҳам учрайди (склеродермия, дерматомиозит, тугунчали параметрит).

Бу касалликларда беморда иситмадан ташқари бўғимларда, мускулларни. терини шикастланишлари бўлади. Иситма инфекцион. Ноинфекцион касалликларда уярагани сабабли касалликнинг бошқа характерли белгиларига ҳам аҳамият бериш керак. Шифокор бу касаллик қайси гуруҳга киришини аниқлаши керак (вирусли инфекция, бактериал инфекция, паразитлар касаллик). Иситма саматик касалликларда, қон системасининг касалликларда, аутоиммун жараёнларда кузатилиши мумкинлигини эсидан чиқармаслигини керак. Иситманинг сабабини аниқлаш учун лаборатор текширувларни қўллаш керак.

Адабиётлар:

1. Мажидов В.М. Юқумли касалликлар, Тошкент, 1993.
2. Нисевич Н.И., Учайкин В.Ф. Инфекционные болезни у детей, 1990 г.
3. Носов С.Д. Руководство по инфекционным заболеваниям у детей, 1980 г.
3. Махмудов О.С. Болалар юқумли касалликлари, Тошкент, 1995 г.
4. Учайкин В.Р. Руководство по инфекционным болезням у детей, 1999 г.

РЕСПИРАТОР ВА АНГИНА БИЛАН КЕЧАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР ЭРТА ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ДИАГНОСТИКАСИ

Маъруза режаси: Бодомча безлар анатомияси. Юмшок танглай равоклари: олдинги ва орқа. Тонзилляр токча туби- халқумнинг ен девори. Улар орасида юмшок паратонзилляр туқима жойлашган. Танглай муртаклари паренхимасида хар хил катталикидаги лимфацитлар тупланган. Асосий артерия- танглайнинг кутарилувчи артерияси хисобланади. Капсула орқали муртакка киради.

Иннервацияси канот танглай тугуни, тил нерви, тил- халқум нерви, адашган нерв толалари хисобига булади.

Муртакларнинг огрикка, совукка, тактил ва бошка таъсирларга сезувчанлиги аниқланган.

Физиологияси (вазифалари):

1. Барьер- лимфацитларнинг актив купайиши.

2. Интерферон, яъни иммуноглобулин ишлаб чиқариш (вирусга қарши химоя).

3. Лимфоид элементларнинг цитотоксик таъсири.

Ангина- томокдаги патологик ҳолат булиб, турли омиллар таъсирида келиб чиқади (бирламчи, махсус, иккиламчи).

Оддий ангинолар банал ангинолар деб ҳам юритилади.

Ангинолар катор инфекцион ва соматик касалликлар белгиси булиб ҳам хисобланади.

Морфологик тузилишига кура куйидаги турларга булинади:

Катарал- нисбатан енгил кечади. Патологик жараен шиллик кават билан чегарланади.

Фолликуляр- фолликулаларнинг йиринглаши.

Лакунар- нисбатан огир кечади. Яллигланиш жараени муртақлар паренхимасига чуқур тарқалади. Йиринглаган фолликулалар лакуналар бушлигига очилади ва ундаги йиринг лакуналар крипталарининг торайган қисмида фибриноз-йирингли қараш қолдириб оқиб чиқади.

Палалогоанатомик ва клиник томондан яллигланиш жараенини бурун- халқум, тил муртаги ва чувалгчангсимон усимта атрофида жойлашган қорин муртақларида аниқлаш мумкин.

Фиброз

Флегмоноз

Ярали некротик

Аралаш

Локализацияси буйича:

Танглай ва бурун- халқум муртақлари ангиноси.

Тил муртаги ангиноси.

Ен равоклар ангиноси.

Хикилдок ангиноси.

Хикилдок усти абсцесси.

Уткир фарингит.

Ангинолар умумий харорат кутарилиши билан кечади.

Патологик узғаришлар интенсивлиги турлича ва у муртақларнинг зарарланиш характери билан аниқланади.

Нисбатан огир кечувчи лакунар ангинода харорат 38С гача, болаларда 40С гача кутарилади ва кучли калтираш билан кечади.

Катарал ангинода харорат 37,5С гача кутарилади, бироз холсизлик, бугимларда, мушакларда, белда огрик билан кечади.

Қонда кучли еки кучсиз ривожланган лейкоцитоз, нейтрофилли чапга силжиш, ЭЧТ ошиши кузатилади.

Кузатиладиган симптомлари:

- икки томонлама зарарланиш.

- ютинганда огрик. Ютиш харакатлари орасидаги вақтда огрик булмайди. Чайнов муқкуллари тризми кузатилмайди.

Доимий белгилар: огрикли регионлар лимфадениг пайдо булиши, пальпацияда улар осон харакатланиши.

Фарингоскопия- шиллик каватлар шиши ва гиперемияси. Фолликуляр ангинода қушимча тугри шакли, сарғиш, нуктасимон ҳосилалар – йиринглаган фолликулалар ҳам булади.

Лакунар ангинода фибриноз йирингли қараш пинцет билан осон қучади, қучган юза қонамайди.

Ангинолар бошка юқумли касалликлар симптоми сифатида болаларда учрайдиган юқумли касалликларда (кизамик, скарлатина, дифтерия, менингит) ЮНЙ ларининг вирусли зарарланиши (грипп, аденовирусли инфекция), қон касалликлари (инфекция мононуклеоз, агранулоцитоз, лейкоз ва бошқалар) ҳам учрайди.

Инфекциянинг қириш дарвозаси ва кузгатувчининг купайиш жойи халқумнинг лимфоид туқимаси хисобланади. Зарарланиш ҳаво- томчи йули билан, овқат орқали ҳамда аутоинфекция (лакуналарда доимий микробларнинг булиши,

кариоз тишлар, бурун бушликларидоги йиринг) йули билан амалга ошади. Касалликка сабаб булувчи омиллар – махаллий ва умумий совук котиш. Ангина утказгандан кейин иммунитет ишлаб чиқарилмайди, аксинча касалликка юкори сезувчанлик ривожланади ва кайта касалланиш сурункали тонзиллит ривожланишига олиб келади.

Инкубацион даври бир неча соатдан то бир неча кунгача давом этади. Касаллик бирдан харорат кутарилиши, бош огриги, холсизлик, томокда огрик, айниқса ютинганда огрик билан бошланади. Буйин ва жаг ости лимфа тугунларининг катталаниши ваогриклилиги аникланади.

Ангина ва сурункали тонзиллитнинг клиник таснифи.

Ангиналар: бирламчи, кайталанувчи

Яллигланишига караб:

- Катарал

- Фолликуляр

- Лакунар

- Некротик

Огирлик даражасига караб: енгил шакли, урта огир шакли, огир шакли

Асорат ривожланишига караб: асоратланган, асоратланмаган

Сурункали тонзиллит:

- Кайталанувчи

- Биангиноз

Компенсацияланган

Субкомпенсацияланган

Декомпенсацияланган

Асорат ривожланишига караб: асоратланган, асоратланмаган.

Бирламчи ангина кузгатувчиси- стрептококк, стафилококк, лекин улар клиник кечиши буйича бир- бирдан фарк килмайди. Бирламчи ангиналар кечуви циклик булиб, огрик синдроми 3-7 кун давом этади. Огрик синдроми узок давом этганда бошка касаллик хакида уйлаш лозим.

Катарал ангина куп учрайди ва енгил кечади. Бунда яллигланиш жараени юзаки, яъни муртаklar шиллик каватида жойлашади. Беморнинг тана харорати нормал еки субфебрил булади, аммо 3 ешгача булган болаларда харорат 38- 39С гача кутарилиши, уйкунинг бузилиши, иштаха пасайиши, кайт килиш ва бошка белгилар булиши мумкин. Курувда муртаklar гиперемиyasi ва гипертрофияси аникланади.

Катарал ангина узи алохида еки бошка ангина формаларининг бошлангич боскичларида учраши мумкин.

Паренхиматоз (лакунар, фолликуляр) ангиналар. Баъзан битта муртакда лакунар иккинчи муртакда фолликуляр ангина булиши мумкин.

Клиник кечиши деярли бир хил, давомийлиги 4-7 кун.

Шикоятлари- бошда кучли огрик, бел ва бугимлардаги огрик, ютинганда огрик. Баъзан нафас олишнинг кийинлашиши, юрак сохасида огрик кузатилади. Касаллик уткир хароратнинг 39- 40С гача кутарилиши, калтираш, холсизлик, иштаха пасайиши билан бошланади. Регионар лимфа тугунларининг катталаниши ва огриклилиги аникланади. Еш болаларда интоксикация белгилари кучли намоен булади. Кон тахлилида лейкоцитоз 18-20 гача, чапга силжиш билан, ЭЧТ- 40-50 мм/с гача кутарилгани аникланади.

Курувда муртаklar гипертрофияси, таркалган гиперемия ва караш аникланади.

Фибриноз ангинада караш лакуналар чегарасидан ташкарига чиқади ва куплаб массив муртаklar юзасини бутунлай копловчи характерга эга булади, яъни дифтериядаги карашни эслатади. Бу муртаklar чегарасидан ташкарига таркалмайди ва кучирганда конамайди. Кам учрайди. Асосий кузгатувчиси стафилококк хисобланади.

Клиникасида кучли интоксикация, томокда кучли огрик (шу билан дифтериядан фаркланади), огрик кулокка иррадиация беради, харорат 40-41С гача кутарилади. Давомийлиги 10-12 кун. Кон тахлилида лейкоцитоз, бироз чапга силжиш билан, ЭЧТ- 40-50 мм/с аникланади.

Уткир аденоидит. Бурун- халкум муртаklари микроблар учун кулай жой хисобланади ва у ердан бурун хамда огиз бушлигига тушади. Охирги йилларда зарарланиш вируслар хисобига кенг таркляпти. Изоляцияланган аденоидитни ташхислаш учун орка риноскопия утказиш зарур ва бу касалликнинг тулик характеристикасини аниклашга ердам беради. Касаллик уткир бошланиб, харорат кутарилиши, бурун битиши, ринолалия ва бурундан епишкок, кон-шилликли ажралмалар ажралиши билан кечади. Касаллик кечишида жаг ости ва буйин лимфаденити кучлм намоен булади. Фарингоскопияда- халкум орка деворининг шиши ва гиперемиyasi аникланади. Орка риноскопияда муртаklar шиши, гиперемиyasi, йирингли ва шиллик- йирингли карашлар курилади. Баъзан уткир аденоидитнинг фибриноз формасида бурун дифтерияси деб хато ташхис куйилади.

Хикилдок ангиnasi – хикилдок усти тогайининг тил юзаси сохасида, ноксимон синус тубида, хикилдок усти ва чумичсимон тогай уртасидаги бурмалар шиллик каватида жойлашган лимфоид тукуманиннг уткир яллигланишидир.

Клиникаси. Касаллик бирданига хароратнинг 39-40С гача кутарилиши, умумий ахволнинг огирлашиши, холсизлик, кескин огриklar, овкат истеъмол килишнинг кийинлашиши билан бошланади. Кучли спонтан огриklar хисобига болалар мажбурий холат (боши олдинга эгилган холат) ни эгаллайдилар. Билвосита (ойна ердамида) ларингоскопияда чумичсимон тогай, ноксимон синус, хикилдок усти тогайи сохасида шиш ва гиперемия аникланади. Купинча коллатерал шиш булади, чин ва сохта овоз бойламлари шишган ва гиперемияланган булади.

Эпиглотит – хикилдок усти тогайи абсцесси. Охирги йилларда куп учрамокда ва улим 20-22 % ни ташкил этмокда. Касаллик йилнинг хамма вактида учрайди, уни Haemophilus influenza кузгатади.

Клиникаси. Тусатдан ютиш ва нафас олиш кийинлашади ва нафас шовкинли, хуштаксимон характерга эга булади, беморнинг овози узгаради. Тана харорати 39-40С гача кутарилади, ютиниш огриклилиги хисобига гиперсаливация кузатилади. Зарур чора тадбирлар вактида олиб борилмаса улим билан тугаши мумкин. Вактида шифохонага еткизилиб, эрта даво бошланганда улим 0-3 % ни ташкил этади. Кон тахлилида лейкоцитоз 25-40, чапга силжиш билан, сийдик тахлилида оксил 50% беморларда аникланади. Ташхис куйиш жуда мушкул. Бевосита ларингоскопия килинганда бемор ахволи огирлашиб, асфиксия кузатилиши мумкин. Рентгеноскопияда хикилдок усти тогайининг кескин шиши аникланади. Кучли огрик ва нафас олишнинг кийинлашиши ташхис куйиш учун ердам беради. Даволаш: трахеотомия.

Людвиг ангиnasi – огиз бушлиги туби флегмонasi. Купинча стрепто ва стафилококк чакиради. Бу ангина 1-булиб 1936 йилда Людвиг аниклаган. Касалликни ангина деб аташ мумкин эмас, лекин клиник симптомлари ангинага жуда

ухшайди. Шикоятлари: томоқда ютинганда ва гапирганда кучаядиган огрик, пастки жаг бурчаги соҳасида ноҳуш сезги, умумий ҳолсизлик, тинка қуриши, ҳароратнинг 38-39С гача кутарилиши. Энгак ости соҳасидаги инфилтрат буйиннинг олдинги ва ен юзасига таркалади. Инфилтрат устидаги тери шишади, кизаради, огизни очиш қийинлашади, тили бироз кутарилган ҳолатда булади, огиздан ноҳуш хид келади ва ютиш қийинлашади. Қурувда огиз бушлиги шиллик кавати ва танглай муртақларининг кучсиз гиперемияси ва шиши аниқланади. Огиз бушлиги тубидаги юмшоқ туқималар пальпациясида уларнинг калинлашиши аниқланади.

Симановский – Пладита – Венсаннинг пардали ярали ангинаси. Уни огиз бушлиги спирахетаси ва урчуксимон таекча чакиради.

Характерли белгилари: - Бир томонлама зарарланиш.

- Ютинганда кучсиз огрик.
- Огиздан ноҳуш хид келиши.
- Буйиннинг регионар лимфаденити.
- Субфебрил ҳарорат.

Қурувда муртақларда зич пардали карашлар, яралар аниқланади. Карашлар танглай равоқларига ва халқумнинг орқа деворига таркалади. Бу ангида четари нотекис чуқур яралар ҳосил булиши билан характерланади. Яра туби ифлос яшил қулранг караш билан копланади, караш осон кучади, лекин тез тикланади. Қупинча караш муртақларни бутунлай қоплайди ва ташқарига таркалади. Карашлар қучирилганда қулранг сарик рангдаги яра ҳосил булади. Касаллик 7-12 кун давом этади. Қон таҳлилида нейтрофилли лейкоцитоз 15 гача, чағга силжиш билан, анемия.

Скарлатиноз ангина. Енгил формасида катарал ангина 80%, лақунар ангина 20% учрайди. Урта огир формасида лақунар ангина 63,9%, катарал ангина 36,1% учрайди. Томоқда яққол кизариш кузатилади. Томоқнинг кизариши соғлом туқимадан аниқ чегараланиб туради. Халқум орқа девори шиши ва гиперемияси аниқланади. Тил сургичлари яққоллашади. Буйин лимфаденити кучсиз ривожланади, лекин эрта намоен булади.

Томоқ дифтериясининг чегараланган формаси – эмланганларда кузатилади. Бундан ташқари тарқалган ва токсик формалари фарқланади.

Вирусли ангиалар (грипп, парагрипп, адено- ва риновирусли инфекциялар). Қузғатувчилар сони 500 тадан ортик. Касалликка ОРЗ, кератоконъюнктивит, ангина синдроми, полиаденопатия, гепатолиенал синдром характерли. Улар эпидемик характерга эга, асосан ез ва қуз ойларида ривожланади. Касаллик бирданига бошланиб, бош огриги, 2-3 кундан ҳарорат 38-39С гача кутарилади, қалтираш кузатилади. Ҳарорат кутарилиш давомийлиги 6 кунгача бўлиб, кучсиз интоксикация, ҳолсизлик, мушакларда ва бугимларда огрик, бурун битиши, конъюнктивит билан кечади. Қурувда халқум шиллик каватлари, танглай муртақлари, равоқларнинг гиперемияланган фонида донаторлик аниқланади. Вирусли ангиаларга муртақларнинг катарал еки фолликуляр-лақунар зарарланиши ва жаг ости лимфаденити характерли. Махсус диагностикаси учун жуфт зардобларда РСҚ, РПГА текширувлари утказилади.

Герпетик ангина – Коксаки ва ЕСНО вируслари қузғатади. Касаллик бирданига ҳароратнинг 39-40С гача кутарилиши, ҳолсизлик бошда ва мушакларда огрик билан бошланади. Халқум шиллик кавати, танглай муртақларида гиперемияланган фонда 2-3 тадан то 10 тагача пуфакчалар бўлиб, улар ерилганда фибриноз караш билан қопланган эрозив юзалар ҳосил булади. Бундан ташқари лабларда, бурун қанотларида учқулар аниқланади. Жаг ости лимфа тугунлари бироз қатталашади бироз огрикли булади ва томоқда огрик, гиперсаливация кузатилади. Қон таҳлилида лейкопения аниқланади. Давомийлиги 6-7 кун. Баъзан герпетик тошмалар бурунда, лабларда ва бошқа жойларда кузатилади. Жаг ости лимфа тугунлари бироз қатталашган, кам огрикли булади. Давомийлиги 5-7 кун. Беморлар ютинганда огрик, гиперсаливация, қоринда огрик, диспепсияга шикоят қиладилар. Қонтагиоз индекси юқори. Касаллик ҳаво-томчи йули орқали юкади.

Замбуругли ангиалар – қупинча эрта ешдаги болаларда узок вақт антибиотик ва химиопрепаратлар билан даволанганда кузатилади. Қузғатувчиси- *Candida albicans*. Клиникаси: ангина кучсиз интоксикация ва субфебрил ҳарорат фонида булади. Ютинганда огрик қузатилмайди, лимфа тугунлари қатталашмайди. Муртақларда, огиз шиллик каватларида нуктасимон, оқиш караш аниқланади. Улар бир-бирига қушилиб тук қизил фонда оқиш қулранг парда ҳосил қилади. Касалликнинг катарал, пардали, пардали-ярали формалари фарқланади. Ҳарорат нормал еки субфебрил булиши мумкин. Кечиши яхши, 2-3 ҳафтадан сунг уз-узидан тузалиш қузатилиши мумкин. Касаллик ривожланишида аста-секин ютинганда томоқда кучсиз огрик пайдо булади, муртақлар шиллик каватида бироз гиперемия, кейинчалик улар юзасида “творогсимон” оролчали еки бутунлай қопланган ок еки қулранг рангдаги карашлар аниқланади. Караш муртақлар чегарасидан ташқарига чиқиши мумкин, осон кучади ва караш остида лакланган силлик юза аниқланади. Диагностикасида зарарланган муртақлар юзасидан олинган материал микроскопик текширилганда замбуруглар аниқланади.

Уларни даволашда нистатин, леворин кенг қулланилади.

Инфекцион мононуклеоз – Филатов касаллиги – Моноцитар ангина. Касалликни Эпштейн-Барр вируси чакиради. Клиникаси: Тана ҳарорати 39-40С гача кутарилиши, ҳамма гуруҳ лимфа тугунларини тизимли қатталашини, халқумда утқир яллиғланиши узғаришларни булиши кузатилади. Қон таҳлилида моноцитларни ошиши аниқланади. Касаллик кечишида тулкинсимон характердаги ҳарорат булади. Қупинча касаллик билан мактабгача ва кичик мактаб ешидаги болалар касалланади. Ангина катарал, ярали-некротик ва дифтеритик қуринишда булиши мумкин. Инфекцион мононуклеозга жигар ва талокнинг қатталашини хос. 10-15% болаларда розеолез еки папулез тошма аниқланади. Қон таҳлилида лейкоцитоз 10-20 гача, мононуклеарларни ошиши кузатилади. Пауле-Буннель реакцияси 95% беморларда ижобий булади.

Лейкозда кузатиладиган ангина. Касаллик белгилари:

- Утқир лейкозларда танглай муртақларини зарарланиши.
- Умумий ахволнинг огир булиши.
- Геморрагик синдром қузатилиши.
- Қонда лейкоцитларни микдори 100-200 гача ошиши, бласт хужайралар (гемоцитобластлар, миелобластлар) ҳисобига.
- Эритроцитларни 1-2 гача қамайиши.
- Гемоглабин 25-33 г/л булиши.

Касалликнинг бошланғич даврида ангина катарал характерга эга бўлиб, баъзан шиллик каватлар шиши кузатилади. Охири босқичларида пардали ангина қуринишини эслатади. Кейинчалик некротик характерга эга булади ва огиз бушлиги, халқумга некротик учоқларни тарқалиши билан кечади. Қупинча милқларни ва муртақларни геморрагик, ярали-некротик вагангеноз зарарланиши кузатилади. Касаллик юқори ҳарорат 39-40С, қалтираш, қуп терлаш, пульс тезлашини, бош

огриши, умумий холсизлик, уйкучанлик билан характерланади. Тери копламлари рангпар, жигар, талок ва лимфа тугунлари (купинча жаг ости) катталашади.

Ангиналарни даволаш.

Беморларни касалхонага етказиш шарт эмас.

1. Катъий еток тартиби. Тана харорати нормаллашгандан кейин 2-3 кунгача.
2. Куп суюклик ичиш, (лимонли чой, шарбатлар, минерал сув) кунига 1-1,5 л гача.
3. Пархез (сут ва усумлик махсулотлари).
4. Беморларни алохидалаш.
5. Махаллий даво, лекин баъзи авторлар махаллий даво аъзони шикастланишига олиб келади, ундан эффект йук деб хисоблашади. А) Томок чайилганда микроблар, вируслар ва ажралган эпителийларнинг бир кисми чикиб кетади. Бунинг учун 2% натрий гидрокарбонат, фурациллин, йодиол, калий перманганат эритмаси кулланилади. Доривор утлар спиртли эритмасини хам куллаш мумкин. Б) Томокка 37-38С хароратдаги киздирувчи компрессларни (сувли, спиртли, егли) суткасига 2 марта куйиш. В) Огиз бушлиги ва халкумни 2,0 мл интерферон эритмаси билан чайиш (суткасига 3-4 марта, 3-4 кун давомида).

Гриппда кузатиладиган ангиналарда танглай равоклари, муртаклар шиллик кавати, юмшок танглай гиперемияси булиб ва улар кескин каттик танглайдан ажралиб туради. Курувда овоз бойламлари усти сохаси ва трахеяда гиперемия ва кон куйилишлар аникланади. Морозкин Н.И. текширувларига мувофик юмшок танглай шиллик кавати касалликнинг 1-2 куни кескин гиперемиялашган ва бироз цианотик баъзан халкумнинг орка деворида тошмалар пайдо булади (яллигланган фолликуллар 1-2 мм гача). Касалликнинг 3-4 куни томирлар инъекциясига алмашади, томирлар турини хосил килади, баъзан нуктасимон кон куйилишлар булиши мумкин. Бу А гриппига хос белги хисобланади, Морозкин симптоми дейилади. В гриппига йирик донадорлик хос, лекин хамма беморларда хам кузатилмайди.

Бошка ОРВИ турларида шиш ва гиперемия таркалган характерга эга ва одатда бурун халкум шиши ва гиперемияси билан бирга келади. Аденовирусли инфекцияда узгаришлар фарингеал ва фарингоконъюнктивал формасида куриш мумкин. Муртакларда окиш караш ва куп микдордаги экссудат юмшок танглай равоклари хамда халкумнинг орка деворига таркалади. Бундан ташкари

кератоконъюнктивит, ринит, ринофаринготонзиллит кузатилади. Регионар лимфа тугунлари катталашади. Беморларнинг 1/3 кисмида жигар, талок катталашади. Баъзан ич кетиши мумкин.

Энтеровирусли инфекция. Огиз халкум гиперемияси, кучсиз ривожланган склерит, конъюнктивит, ринит билан кечади. Касалликни ЭХО ва Коксаки вируслари кузгатганда тошма тошиши мумкин, огиз бушлигида, тилда, везикулез стоматит булиши мумкин. Милклар шиллик каватида везикулез оч кулрангдаги тошмалар ва пуфаклардан хосил булган огрикли яралар аникланади. Пуфаклар яна кул кафтида ва товонда кузатилади.

Герпетик ангина. Огиз халкум шиллик каватида майда везикулалар булиб, кейинчалик юзаки эрозияларга айланади. Касаллик асосан езда ва кузда учрайди, купинча болалар касалланади. Герпетик тошмаларни оддий герпес ва герпес Зостер чакиради. Улар таркалган ва огрикли булади.

Яшур – тил, лунж, юмшок танглай равоклари шиллик каватида шиш ва яккол гиперемия аникланади. Касаллик бошланишида юкори харорат фонида кучли интоксикация, огиз куриши, ачишиш хисси, чайнаш актида огрик, куп сулак ажралиши кузатилади. Аввал шиллик каватларда чегараланган кизил доглар, кейинчалик куплаб пуфакча ва эллипсимон формадаги афталар пайдо булади. Пуфакчалар ичидаги экстракт аввал тиник, кейинчалик хиралашади. Яшурдаги афталар факатгина огиз шиллик каватида эмас, бурун, конъюнктива, кизилунгач, кин шиллик каватида хам аникланади. Кул-оек бармоклараро бурмаларидаги пуфакчали тошмалар катта диагностик ахамиятга эга. Периферик конда – сезиларли эозинофилия кузатилади. Ташхис куйишда хайвонлар билан контакт булганлиги ердан беради.

Псевдотуберкулез. Томокда кескин чегараланган гиперемия, майда нуктасимон энантема, “малинасимон тил” аникланади. Сарик формасида юмшок танглай саргиш тусга эга булади.

Листериоз – катарал, фибриноз ва ярали ангина булиши мумкин. Касаллик юкори септик харорат, калтираш, куп терлаш, жигар, талок, лимфа тугунлари катталашини билан кечади. Ангиноз безли ва ангиноз септик формалари фаркланади. Конда лейкопения, моноцитоз, мононуклеар реакция. Охирги боскичларида лейкоцитоз кузатилади. Иситма 3 хафтагача булади. Касаллик эпидемик характерга эга. Касаллик манбаи- чорва хайволари ва кушлар.

Туляремия – зарарланиш яккол намоен булади.

Ангиноз-безли турлари фаркланади. Томокда огрик, ютишнинг кийинлашиши, юкори харорат билан характерланади. Муртаклар, халкумнинг орка девори, юмшок танглай тилчаси ва равоклари шишган. Муртаклардаги караш ифлос- кулранг тусда булади, бу караш дифтериядаги карашни эслатади.

Дюге ангинаси – корин тифининг 2-3 хафтасида кузатилиб, бунда ярали ангина, муртакларда ва танглай равокларида карашсиз яралар хосил булиши билан кечади. Касалликка огиз халкумдаги узгаришлардан ташкари карашланган (тифоз) тил, розеолез тошма, жигар ва талокнинг катталашини, корин шиши, турли типдаги иситма характерли булади.

Адабиётлар:

1. Мажидов В.М. Юкумли касалликлар, Тошкент, 1993.
2. Нисевич Н.И., Учайкин В.Ф. Инфекционные болезни у детей, 1990 г.
3. Носов С.Д. Руководство по инфекционным заболеваниям у детей, 1980 г.
3. Махмудов О.С. Болалар юкумли касалликлари, Тошкент, 1995 г.
4. Учайкин В.Р. Руководство по инфекционным болезням у детей, 1999 г.

ЭКЗАНТЕМА БИЛАН КЕЧАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ЭРТА ВА ҚИЁСИЙ ТАШХИСИ

Маъруза режаси: Экзантемалар инфекцион касалликларни аниқлашда катта аҳамиятга эга. Лекин, юқумли касалликлар билан бир қаторда, юқумли бўлмаган касалликларда-аллергик касалликларда ҳам тошмалар тошиши кузатилади.

Тошмаларни инфекцион касалликларга тегишлиklarини аниқлашда, аввало, инфекцион касалликлар учун умумий бўлган белгиларнинг бўлиши билан фарқланади. Чунончи:

1. Тана ҳароратининг кўтарилиши, умумий аҳволнинг ёмонлашуви, иштаҳанинг бўғилиши, бош оғриғи, қусиш ва бошқа белгилар:

2. Бемор организмини зарарланиши алоҳида касалликларга хос бўлган симптомлар, синдромларни бўлиши, масалан скарлатина учун хос бўлган тошмалар билан бирга ангина бўлиши, тамоқ шиллик пардаларини кизариши ёрқин, чегараланган бўлиши ва бошқалар:

3. Беморларда касалликни циклик кечиши яъни, а) яширин даври, б) продромал даври, в) тошмалар тошиши даври, г) тошмаларнинг ўчиши, д) тузалиш даври.

4. Инфекцион касалликларга хос бўлган юқумлик (контагиозность) шу билан бирга экзантема билан ўтувчи инфекцион касалликларни аниқлашда шифокорлар битр қанча қийинчиликларга уяраши мумкин, чунки, касалликларнинг клиник кўринишларда айрим ўхшашликлар бўлиши мумкин.

Экзантемалар диогностикасида, терида ва оғиз шиллик пардаларида бўлган ўзгаришларни аниқлаш ва уларни ўзига хослигини баҳолаш катта аҳамият касб этади. Тошмаларнинг диогностик аҳамияти тошмалари юқумли касалликларда ҳаммасида бир хил эмас, чунки, айрим юқумли касалликларда тошмаларнинг бўлиши шу касалликлар учун хос бўлса (қизамиқ, скарлатина, сувчечак). Бошқа юқумли касалликларда тошма тошиши кўп учраса ҳам, ҳамма беморларда учраши шарт эмас, (корин тифи, стафилококк инфекция, скарлатинасимон тошма, энтеровирусларда). Ва ниҳоят, айрим юқумли касалликларда экзантемалар кам учрайди (вирусли гепатит «В» инфекцион моноклеоз ва бошқалар).

Инфекцион касалликларда диогноз қўйиш жараёнида тошмаларни элементини аниқлаш ва терминларни бир хилда тушиниш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун қуйидаги тошмаларни номлаш ва уни аниқ таърифлашни умумий характеристикасини мутахассислар қабул қилган ҳолатда келтиришни лозим топдик.

ПУФАК (bulla) 5мм дан катта бўлган, ичида серозли ёки серозли гемморрагик суюқлик бўлган элемент. Ққриниши думалоқ ёки овал шаклида бўлади.

ГЕМОМРАГИЯ. Терида қон қуйилиши (ёки терида қон талаш) гемморрагия дейилади. Гемморрагиялар қон томирларнинг ёрилиши ёки қон томирларнинг ўтказувчанлигини ошириши натижасида пайдо бўлади. Ранги биринчи кунларда қизил, ним кўк, кейин эса кўк сари, қўнғир рангда бўлади. Гемморрагиялар 2 ҳафтада йўқолади. Гемморрагияларнинг 2-5 мм катталикидагиси –петиҳия деб, 5 ммдан каттаси экхимозлар дейилади.

ЭРОЗИЯ (erosio)- эпидермиснинг дефекти бўлиб, булар пуфакчани пустиулаи ёрилганидан сўнг пайдо бўладилар.

ЯРА (ulcus) – терининг чуқур жойлашган дефекти бўлиб, эпидермис ва дермада жойлашади. Улар тугунчаларни яраланишидан пайдо бўлади. Яралардан кейин терида чандик қолади.

ТЕРИНИНГ ПЎСТ ТАШЛАШИ (Squama) – экзантемаларнинг ўрнида пайдо бўлади. Булар эпидермиснинг шохсимон қаватини қўчиши натижасида пайдо бўлади. Кепаксимон пўст ташлаш қизамиқда, япроксимон пўст ташлаш эса скарлатинада, псевдотуберкулёзда кузатилади.

Тошмалар тошганда, элементларни турини аниқлаш билан бирга, уларнинг тошма бошланган кунни ҳам аниқлаш зарур. Чунки бир хил касалликларда касалликни биринчи кунда тошма тошса (скарлатини), бошқаларида 3-4 кундан тошша бошлайди (қизамиқ). Дифференциал диогноз учун яна муҳими шундаки, элементлар бемор танасининг қайси ерида қуюқ-кўп жойлашишини ҳам аниқлаш зарур. Чунончи, скарлатинада, псевдотуберкулёзда тошмалар терининг табиий бурмаларида, човда, тақимда тирсакнинг ички қисмида кўп бўлади. Қорин тифи –қорин терисида ва х.к. Айрим касалликларда тошмалар этапли равишда: 1-чи кунда юзда, бўйинда, 2-чи кунда баданда, қўлларнинг юқори қисмида ва 3-чи кунда оёқда, қўлларнинг қолган қисмида тошади. Бу қизамиқда бўлади, албатта шу билан бирга, дифференциал ташхисда тошма элементларининг қанча кўп сақланиши ҳамда элементлар йўқолгандан сўнг ўрнида доғ (пигментация) қолишига эътибор бериш зарур.

ДОҒСИМОН (macula) – элементлар болаларда, қизамиқда, қизилчада, энтеровирусли инфекцияда, инфекцион моноклеўда ва дорилар таъсирида учрайдиган дерматитларда учраши мумкин.

Қизамиқ касаллигини чечак билан дифференциал диогнозини 1-чи марта АР. РОЗИН ёзиб қолдирган қизамиқни қўзғатувчиси филтрдан ўтувчи вируслигини Anderson ва Loldberqer 1911 йилда беморларни бурнидан олинган шилликни филтрдан ўтказиб, маймунларга юктириш билан исбот этганлар.

РОЗЕОЛА (rozeola)- 1,5 мм диаметри доғча қизил ёки тўқ қизил рангли, думалоқ, тери сатхидан кўтарилмайди.

Розеолалар терини сўрғичсимон қаватидаги майда қон томирларнинг кенгайиши оқибатида пайдо бўлади. Бармоқ билан боссангиз йўқолиб, бармоқни олинса, яна пайдо бўлади. Розеолаларнинг диаметри 1 мм дан кичик бўлса, майда нуктали тошма деб аталади. Бундай тошмалар скарлатинада бўлади.

ДОҒ (macula)- Бу тошмаларнинг катталиги 8-20мм бўлиб, булар ҳам тери сатхидан кўтарилмайди. Доғлар терининг сўрғич қаватидаги қон томирларининг кенгайиши оқибатида пайдо бўлади. 5-10мм ли тошмаларни майда доғли тошмалар деб аталади, (қидилчада бўлади), 10-20 мм гачалари- йирик доғли тошмалар бўлиб, булар қизамиққа хос тошмалардир. 20 мм ли катта доғларга эритемалар дейилади. Бу йирик доғларнинг қўшилишидан пайдо бўладилар. Эритемаларнинг ранги изил, тўқ қизил бўлиб, буларни ҳосил бўлишида терининг сўрғич қавати ва унинг остидаги қаватида бўлган майда қон томирларнинг кенгайиши катта аҳамиятга эга.

ПАПУЛА (papula)- Бу элемент тери сатхидан бироз кўтарилиб 1 мм дан 20 мм гача катталиқда бўлади ва буларни пайдо бўлишида эпидермисни ўчоғли пролифрацияси (ўчоғли) ва дерманинг сўрғич қаватидаги чегараланган инфелтрацияси шиши қон томирларни бироз кенгайиши кузатилади. Популарнинг ранги ҳар- хил бўлади (бироз қизил ёки ёрқин қизил). Популар розеолалар ёки доғлар билан бирга учрайдилар. Бундай ҳолатларда, розеола-популэ ёки доғли популэ тошмалар деб аталади. Популар ривожланиб, бошқа элементга ўтиши мумкин (попула- пуфакчага, пустиулага).

ТУГУНЧА (nodus)- Қаттиқ чегараланган думалоқ ёки овасимон кўринишдаги элемент. Бу элемент терининг чуқур аватларига, тери ости қатламига ҳам ўтади. Мисол қилиб тугунчали эритема «эшак еми» (urtica) терининг сўрғич қаватида чегараланган ўткир яллиғланиш натижасида пайдо бўлади. Диаметри 20мм ва ундан каттароқ бўлиб, тери сатхидан кўтарилади ва оқ-қизил ёки оқиш рангда бўлади. Кўпинча доғли тошмалар билан бира тошади. Бу элемент аппергик дерматитларда учрайди.

ПУФАКЧА (vesucula) - Пуфакча 5мм бўлади, чегараси аниқ, думалоқ ёки овал шаклида, тери сатхидан кўтарилади. Пуфакчада серозли ёки серозли гемморрагик суюқлик бўлади. Пуфакча доғча ёки қобикчага айланади (доғча – везикула-

кобиқча). Герпетик тошмада майда пуфакчаларнинг атрофида кизил хошия ва асосида инфильтрация кузатилади. Кейинчалик тўқималарда вирусларни кўпайтириш ва ажратиш усулини 1954 йилда таклиф қилинган сўнг қизамик вирусини касалликларнинг бурун- тамок шиллиғидан, конидан ажратиш олинди. (1958 йил А.А. Смородинцев ва бошқалар). Вирус РНК ташувчи гурихига кириб, 120-250 нм га тенг. Вирус ташки мухитга чидамсиз, термолабил- 70 да 5 йилгача сақланади. +56 да 30 дақиқадан сўнг фаоллигини йўқотади. Қондан, тамок, бурун шиллиғидан катарал даврида тошма тошган биринчи соатларида ажратилади. Касаллик манбаи фақат бемор одам. Беморнинг атрофидаги болалар учун хавфлилиги 8-10 кун ҳисобланади. Энг юқумли даври- катарали даври бўлиб, тошма тошишининг 3-4 куни қизамикнинг юқиш хавфи кескин пасаяди. Тошма тошишининг 5-кундан юқиш хавфи тугайди. Касалликни атрофига тарқалиши хаво, сўлак томчилари орқали юз беради. Қизамик билан кўпроқ касалланадиган болалар 1 ёшдан 8 ёшдаги болалар бўлиб, 3 ойгача болаларда туғма иммунитет ҳисобига қизамик учрамайди. 3-10 ойдан бошлаб, болаларнинг қизамиққа берилувчанлиги ошади.

Қизамик вирусининг инсон баданига кириш жойи – юқори нафас йўллари шиллик пардаси билан кўзларнинг конъюнктиваси ҳисобланади. Вирус шиллик пардаларига, унинг остидаги тўқималарига ва регионар лимфа тугунларига кириб бирламчи кўпаяди. Касаллик яширин даврининг учинчи кундан бошлаб вируслар қонга ўта бошлайдилар ва бирламчи вирусемияга сабаб бўлади. Яширин даврининг ўрталарида, вирус талоқда ва бошқа лимфа тугунларида кўпаяди, мононукляр хўжайраларга киради, суякларнинг мугизиди, жигарда фиксация қилиниб репродукция жараёни кучаяди. Вирус билан зарарланган тўқималарда лимфоид, летикуляр элементлар кўпаяди, хўжайраларда кўп ядролли гигант хўжайралари пайдо бўлади. Вируслар қонда лейкоцитларга кириб кўпаяди, қон орқали организмга тарқалади. Организмда вируснинг кўпайиши вирусемияни янада кучайишига олиб келади. Ретикуло эндотелиал тизимининг зарарланиши билан бир қаторда марказий нерв тизимининг ҳам зарарланишига, қўшувчи тўқималарга таъсир қилиб, уларда яллиғланиш жараёни ривожлантиради. Нафас йўллари шиллик пардаларида, юткин трахия, бронхларда, ўпкада катарал яллиғланиш процесси ривожланади. Шу билан бирга, оғиз шиллик пардасида, ингичка ва йўғон ичакларда шиллик пардасида ҳам патологик жараён кузатилади. Оғиз шиллик пардасида кўпроқ лунжда қизамик учун хос бўлган Филатов- коплик доғлари пайдо бўлади.

Патологик жараён нафақат шиллик пардаларида, билки чуқурроқ жойлашган тўқималарда ҳам ўтади, ва шунинг натижасида мезоперибронхитлар, қўшувчи тўқималарни зарарланиши кузатилади. Патологик жараён, тошмалар тошиши даврининг биринчи ва иккинчи кунларида максимал ривожланади. Терида ўчоғли периваскуляр яллиғланиш натижасида лимфоид, гистоцитот инфильтрация ривожланади, кейинчалик бу хўжайраларда жараён ривожланиб, терида пўст ташлаш ҳолати юзага келади. Иммунофлюоресцент усули билан теридаги макуло-популез тошмаларда вирус антигени аниқланади. Капилляр қон томирларининг эндотелийида вируссимон нуклеокапсидлар борлиги аниқланди, қизамиқдаги экзантема Артус феноменини ўзгинаси, бу вируснинг капиллярлари эндотелийига таъсири натижасидир.

Демас қизамиқда лимфоид тўқималарнинг ретикулоэндотелияр тизимини зарарланиши оқибатида иммунитетни пасайиши, гипоергия, анергия ҳолатлари келиб чиқади. Қизамик вируснинг таъсири натижасида лимфоид тўқималарида морфологик, функционал ўзгаришлар, хатто хўжайраларда некроз содир бўлади. Иммунитетнинг пасайиши, соматик нервларда, теридаги нерв толаларда ва ичак деворларида жойлашган нерв толаларида структур ўзгаришлар нерв- трофик жараёни бузилишига олиб келади. Шунингдек нафас йўллари шиллик пардаларининг қўшувчи тўқималарининг чуқур зарарланишига олиб келади. Булар эса ҳар-хил асоратларга, аввало зотилжам касаллигининг қўшилишига, ривожига сабаб бўлади.

Қизамиқнинг клиникасида 4 даврни ажратилади:

1. Инкубация даври.
2. Катарал даври.
3. Тошмалар тошиш даври.
4. Пигментация ёки терини “пўст ташлаш» даври ёки тузалиш даври.

Инкубация даври 9-17 кун, гаммаглобулин олганларда 21 кунгача бўлади.

Катарал даври 3-4 кун давом этиб, бу даврда интоксикация симптомлари-бадан ҳароратни 38С(39С) гача кўтарилиши, холсизланиш, бўшашиш, боў оғриғи, иштаҳанинг пасайиши кузатилади. Шунингдек қуруқ йўтал, бурунни битиши ёки бурундан бироз шиллик ажралиши, юткинда қизариш айнифса қнинг орқа деворида қизариш пайдо бўлади. Бу даврнинг 2-3 кунда йўтал кучаяди, кўз шиллик пардаси қизаради, қавоқ керкади, ёруғлик таъсирида кўзда оғриқ пайдо бўлади. Шунинг учун беморларда ёруғликка қарамайдилар. Оғиз шиллик пардаларида қизаради ва лунжда Коплик-Филатов белгиси намоён бўлади- оқ майда доначалар, атрофида кизил хошия билан ўралган. Бу белгилар милқда лабнинг ингичка қисмида ҳам бўлиши мумкин. Филатов кунларида беморнинг юзи, қоғоги бурсиган, ёруғликдан қочиш, тез-теў, қув-қув йўталиш, аденамия, уйқусизлик, иштахани пасайиши каби белгилар ёркин намоён бўлади.

Тошмалар тошиш даври касалликнинг 4-5 кундан бошланиб, 3-4 кун давом этади. Қизамиқда тошмалар этапли бўлиб, биринчи кунда қулоқ орқасида, юз, бўйинда, 2 кунда баданга ва қўлларнинг проксимал қисмида, 3 кунда қўл ва оёқларда тошади. Тошмалар морфологик жиҳатдан доғли мокула-папулез характерга эга. Тошма тошишининг 6-кундан бошланиб, юзда , бўйинда кейинчалик қўл, тана ва оёқларда элементларнинг ранги ўчиб, пигментация қўнғир рангли доғчалар қолади. Кейинчалик 7-10 кундан сўнг пигментация ҳам йўқолади. Томоғдаги, нафас йўллардаги катарал ўзгаришлар, касаллик бир текис ривожланса, тошма тошишининг 7-9 кунда йўқолади. Лекин қизамиқдаги анергия тузалгандан сўнг 4 хафтада ва ундан кўпроқ сақланиши мумкин.

Қизамиқнинг атипик кечиши-икки хил обортив ва митигиланган холда бўлади. Обртив кечишида, касаллик бошланиши қизамиқга хос холда кечиб, 1-2 кундан кейин бирданга касалликнинг ривожини узилади. Фақат юзда, бўйинда тошма бўлади холос. Иситма бир кун кўтарилади. Митигиланган қизамиқда ҳамма давр кузатилади лекин, қизамиқ енгил ўтади. (mitis-енгил демақдир).

ДИАГНОСТИКА ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ДИАГНОСТИКА.

Қизамиқнинг аниқлашда эпидемиолог анамнез: атроф-худудда қизамиқ касаллигининг бўлиши ва беморларнинг мулоқоти, инкубация даврининг тўғри келиши, ёши ва клиникасининг ривожини бошланиши катарал давридаги интоксикация ва конъюнктивит, қовоқларни керкиши, ёруғликдан қўрқиш, тез-тез қуруқ йўтал, оғиз шиллик пардаларини қизариши, юмшоқ танглайда энантема ва Филатов-Коплик симптомини бўлиши қизамиқнинг аниқлашда катта аҳамият касб этади. Шу билан бирга касални кузатиш ҳамда диагностикада катта аҳамиятга эга.

Қонни текширганда касалликни даврига қараб ўзгаришлар кузатилади: катарал даврида лейкопения, нейтрофиллар қамаяди, лейкоцитлар формуласида чапга силжиш кузатилади. Энг асосий лимфоцитоз. Тошмалар даврида лейкопения

кучлироқ бўлиб, эозинофиллар ва моноцитлар камаяди, сиэ бироз ошади. Бурун шиллигини микроскоп остида кўрилса кўп ядролли гигант хужайраларни кўрилади. Иммунофлюоресцент метод ёрдамида катарал даврида қизамиқ диагнозини кўйиши мумкин.

Серологик реакциялар (РСК, РПГА, РТГА) учун конни тошмаларни тошиши 3 кундан кеч бўлиши керак эмас. Иккинчисини 10-40 кунларда олинади. Антителалар тери биринчисига қараганда 4 ва ундан ортиқ ошса қизамиқдан дарак беради. Олимларнинг текшириши шуни кўрсатадики, антителаларнинг концентрацияси, энгил, ўрта оғирликдаги ва оғир беморларда унчалик фарқ қилган эмас.

Қизамиқнинг катарал даврида ўткир респиратор вирусли инфекция билан дифференсация қилиш лозим бўлади. Ўткир вирусли респиратор инфекцияда қизамиқдан фарқли ўлароқ, катарал кўринишлар тез ривожланади, конъюктивит доимо учрамайди ва ковокларни шиши билан ривожланмайди, ҳамда ёруғликдан “кўрқиб” симптоми бўлмайди. Интоксикация белгилари тез ривожланади. Ўткир вирусли респиратор инфекцияда оғиздаги шиллик парда оч-қизил рангда бўлиб касаллик давомида ўзгармайди. Қизамиқда эса катарал даврининг иккинчи кундан бошлаб экзантемалар тошиб кейинчалик кўшилиб, сидирғасига қизил ва лунжда, лабларнинг шиллик пардасида Филатов-Коплик симптоми пайдо бўлади. Касалликни 3-4 кун тошмаларни этапли тошиши қизамиқ диагнозни тасдиқлайди.

Тошмалар тошиш даврида қизамиқни қизилча билан адаштириш мумкин. Қизилчада қизамиққа ўхшаб, интоксикация, тошма ва катарал симптомлари кузатилади. Қизилчада катарал давр бўлмайди ва касалликнинг биринчи симптоми сифатида тошма тошади. Тошмалар қизамиқдан фарқли равишда бирданга юзга ва баданга тошади, этапли тошиш бўлмайди. Қизамиқда эса тошмалар касалликни 3-4 кундан бшланади ва аввало юзда, бўйинда 2-кун баданга ва қўлларнинг проксимал қисмига, 3-кун эса, қўлларнинг дистал қисми ва оёқларда тошади.

Қизилчада ёрқин қизил рангда тошма биринчи кун, 2-кун тошмаларнинг ранги бироз ўчади, 3- кун юздаги тошмани ранги яна ўчади, танада қизил рангли бўлиб, 4- кун исиз ўчади, пигментация қолмайди.

Қизамиқда эса, тошмалар тошишини 2-нчи ва 3-нчи кунларида элементлар ёрқин қизил бир-бирига кўшилиб катта доғли тошмалар ҳосил қиладилар. Тошмалар тошиш даврининг биринчи кунда кўпроқ орқаларда бўйинда, юзда тошмалар популёз характерга эга бўлиб, биринчи кунни охирада юздаги элементлар кўшилиб моноуклёр тошмаларга айланадилар, 2-нчи кун тошмалар юзда қуюқлашади ва кўкрак тана, қўлларнинг юқори қисмида бўлади, 3-нчи кун қўлларнинг дистал қисмида ва оёқларда тошмалар тошади, юзда эса элементларнинг ёрқин қизиллиги пасаяди.

Қизилчада тошмалар майда ва ўртача доғсимон элементлар бўлиб, бир-бири билан кўшилмайди. Қизамиқдаги тошмалар ҳар-хил катталиқда бўлиб, бир-бирига кўшилиб, катта доғли тошмаларга айланадилар. Қизилчада нафас йўлларидаги катарал жуда кам, ёрқин эмас, улар тошма билан биробар пайдо бўлади ва тошма билан йўқоладилар, қизамиқда эса катарал ўзгаришлар ёрқин намоён бўлиб, йўтал қув-қув бўлиб, кўзнинг конъюктиваси қизариб, ковоклар шишади, ёш оқади, бурундан шиллик суюқлик ажралади, бемор акса уради, оғиздаги шиллик пардалар, қизамиқда кип-қизил юмшоқ танглайда экзантемалар ва лунжларда Филатов- Коплик доғлари учрайди. Қизилчада эса, шиллик пардалар оғизда силлик, ярқираган холда бўлиб, Филатов доғлар бўлмайди.

Қизилчада интоксикация жуда кам ёки бўлмайди. Беморларда иситма бўлса ҳам умумий аҳвол ўзгармайди. Қизамиқда беморларда адинамия, холсизлик, бош оғриғи, иштаха пасайиши, иситма кўтарилиб, кўп кун давом этади.

Қизилчада бўйин орқасида, энсада лимфа безлари катталашади ва улар тошмалар йўқолгандан сўнг ҳам бир неча кун катталашган холда қоладилар. Дифференциал диагностикада катта қийинчилик тўғдириш мумкин бўлган холат, бу митигирли қизамиқ билан, қизилчадир. Митигирли қизамиқда интоксикация симптомлари ва катарал симптомлар уеча ёрқин бўлмайди, оғиз шиллик пардаларида ўзгаришлар ҳам бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай холатларда қизамиқ билан оғриган бемор билан мулоқат ҳақидаги ахборот ва гамма-глобулин олганлиги тўғрисидаги хабар ва динамикаси серологик текширишлар (РТГА) дифференциал диагносда ёрдам берди. Шу билан бирга, эътибор билан клиник кузатиш, тошмаларнинг шакли ва катталиги ҳар-хиллиги, тошмадан кейин билинар-юилинмас пигментация қолиши диагносни аниқлашда ёрдам беради.

ЭНТЕРОВИРУСЛАРДАГИ экзантемалар ҳам эхо, коксаки инфекцияларнинг клиник кўриниши ҳисобланади. Айрим вақтларда энтеровируслардаги экзантемаларини қизамиқ, қизилча, скарлатина билан дифференсация қилиш лозим бўлади. Энтеровирусли инфекцияларда экзантемалар 15,6% беморларда учраши мумкин (Златковская Н. М. 1976).

Америкада энтеровирусли экзантемаларнинг эпидемик хуружи бир неча мартаба кузатилган (биринчи марта 1991 йилда Бостин шаҳрида кузатилган). Касаллик ўткир бошланиб, иситма, бош оғриғи, қусиш, менингиал синдром учрайди. Иситма 1-2 кун давом этади ва экзантема иситмани тушиши пайтида тошади. Тошма доғли популёз характерда, кўпроқ юзда ва баданга бўлади ва бир неча соат ёки бир кеча кундуз давомида туриб йўқолади. Ёш болаларда ич кетиш ҳам бўлади. Баъзи беморларда йўтал, бурундан шиллик келиши каби катарал симптомлар кузатилади. Айрим касалликларда ангина ҳам бўлади. Шу билан бирга 50% беморларда жигар ва талоқ катталашади. Тошмалар касалликни 2-нчи ёки 3-нчи кунда тошади. Келтирилган маълумотлардан кўринадики, энтеровирусли экзантемаларда қизамиққа ўхшаб симптомлар ҳам бўлади. Энтеровирусли экзантемаларда, қизамиқдан фарқли равишда симптомларнинг аниқ ривожи йўқ. Бу касалликда тошмалар этапли тошмайди. Тошмалар иситма бўлмаса ҳам тошаверади ва пигментация қолдирмайди. Лунжларда ўзгаришлар бўлмайди. Энтеровирусли экзантемаларда нерв системасининг зарарланиши-менингиал симптомлар, энцефалит белгилар, шайтонлаш, қаттиқ бош оғриғи клиникада биринча ўринда туради. Катарал ўзгаришлар эса жуда кам ривожланади ёки бутунлай бўлмайди. Томоғда герпетик ангина, жигар ва талоқни катталашуви, миалгия каби симптомлар тез-тез учраб туради. Бундай ўзгаришлар эса қизамиқда учрамайди.

Камдан-кам ҳолатларда қизамиқ билан скарлатинани дифференциал диагностика қилишга тўғри келади. Фақат қизамиқни катарал даврида майда нуқтали ёки майда тугунчали продомал тошма тошганда, скарлатина билан дифференсация қилинади. Скарлатинада, қизамиқдан фарқли равишда юқори нафас йўлларида катарал ўзгаришлар бўлмайди. Продромал тошма скарлатинадаги тошмага нисбатан узоқ турмайди ва қизамиққа хос макула-популёз тошма тошишидан олдин йўқолади. Скарлатинада, оғиз шиллик пардасида ўзгариш ва Филатов-Коплик доғлари бўлмайди. Скарлатинада касаллик бошланишини биринчи кунда иситма чиқиши, қусиш, тамоқда оғриқ, агнина баданга, юзга майда нуқтали тошма тошади, терининг кўриниши қизил бўлиб, тошмалар орасида соқ тери кўринмайди. Скарлатина билан касаллик беморнинг тамоғида муртак безлари катталашади, унда ангина белгилари ва олдинги равоқларида чегараланган ёрқин гиперимия тилида скарлатинага хос ўзгаришлар «малинасимон тил» каби белгилар бўлади.

Аллергик экзантемалар полиморфизм кўринишида бўлиши мумкин. Аллергик тошмалар қизамиққа ўхшашлиги уларда макула-популёз шаклидаги тошмалар бўлиши мумкинлигидир. Аллергик тошмалар бирдан баданга тошади ва уларда катарал даври, конъюктивид бўлмайди. Оғиздаги шиллик пардаларда ҳам ўзгаришлар кузатилмайди. Тошма элементлари попула-мокулёр шаклида бўлса ҳам орасида уртикар тошмалар борлиги, ҳамда тошмаларнинг атрофлари шаклида бўлиб,

тери кичийди, тошма элементлари гоҳ учи гоҳ яна пайдо бўлади. Оғир ҳолатларда интоксикацияни кучлилиги, Стивенсон-Джонсон ва Лайёл синдроми ривожланиши кузатилади. Бунда қизамиққа хос белгилар бўлмайди, тошмалар этапсиз тошади. Тошма катта доғли, қизил ва везикула шаклида бўлади.

Менингококкемияда қизамиқдан фарқли ҳолда, касаллик ўткир бошланади, гипертермия, қаттиқ бош оғриқ, кетма-кет қусиш, менингиал симптомлар ривожланади. Шу билан бирга, баданга касаллик бошланиш даврида, доғли-популёз тошмалар бўлиши ҳам кузатилади. Тошмалар асосан оёқларда, думбада тошади. Кейинчалик бу тошмалар геморрагик-некротик ҳолатга ўтади. Менингококкемияда оғиз шиллиқ пардаларида Филатов-Коплик симптоми бўлмайди.

Инфекцион мононуклеоз кўпинча экзантемалар тошмасдан ўтади. Лекин айрим ҳолларда қизамиққа хос тошмалар макула-популёз тошмалар ҳам тошиши мумкин. Бунда тошма элементлари 6-15мм катталиқда бўлиб, тошмалар кўпроқ юзга тошади ва ўздан кейин пигментация «пўст ташлаш» қолдиради. Инфекцион мононуклеозда тошмалар этапли тошмасдан бирдан тошади. Қизамиққа хос бўлган юқори нафас йўллари катарити, конъюнктивит, Филатов-Коплик доғлари бўлмайди. Инфекцион мононуклеозда тонзилит, лимфоаденопатиялар, жигар ва талокни катталашуши, қонда атипик мононуклеарлар борлиги билан қизамиқдан фарқ қилади. Ва ниҳоят диагностикада Давидсон реакцияси ёрдам беради.

ТРИХИНЕЛЛЁЗ. Ўткир трихинеллёз кўпинча макулёз экзантемалар ташишибилан, қизамиққа ўхшаб кетиши мумкин. Тошма элементлари майда ва каттароқ доғлардан иборат. Элементлар кўп тошса, бир-бирига қўшилиши ва каттароқ доғлар ҳосил қиладилар. Шу билан бирга баданни қичиши ҳам кузатилади. Бу касалликда тошма элементлари бир ҳафта давомида сакланиб, ўчгандан сўнг пигментация қолдирадилар. Лекин қизамиқдан фарқли ўлароқ тошмалар тошганда этапли бўлмайди, конъюнктивит. Филатов-Коплик белгиси кузатилмайди. Трихинеллёзда иситма юзни шишиши, мушакларда оғриқ ва қонда эозинофилия бўлади.

ВЕЗИКУЛЁЗ ТОШМАЛАР.

Беморлар баданида пуфакчали элементларнинг бўлиши. Юқумли касалликларнинг айримларида кузатилади. Пуфакча элементи, фақат доғча популалардан сўнг ривожланган табақаси бўлиб, сўнг пуфакча, қотма пўст ёки кичкина чандиқчоқолиши мумкин. Лекин сузчакда пуфакча пуфакча табақасига ўтмайди. Сузчак учун хослик бу тошмаларни полиморфизмидир- бир вақтда бир ерда доғча, попула, везикула ва қотма пўстини кўриш мумкин. Шу билан бирга везикулалар оғизи шиллиқ пардаларида, жинсий органларда ҳам учрайди.

Белбоғсимон лишаё ва сувчечакларни бир вирус кўзғатади. Вирус сувчечакдан сўнг организмда узоқ сакланади ва қайдайдир таъсир натижасида вирус латент ҳолатдан манифест ҳолатга ўтиб, белбоғсимон лишаё клиникасини беради.

Герпетик инфекция биринчи ва иккинчи типдаги герпес вируслари томонидан кўзғатилади. Кўпинча, герпетик инфекция организмнинг қувватини пасайиши натижасида грипп, ўткир респиратор инфекция, зотилжам билан бирга келади. Бу инфекцияда терида гиперимия, инфильтрация (кўпинча лаб, бурун катаклариди) ва ғуж жойлашган майда пуфакчаларни кўрамиз. Пуфакчаларда тиниқ суюқлик бўлади. Айрим беморларда тошма элементлари юзда ва баданда, жинсий аъзоларда учрайди. Тошмалар ачишади ва кичийди. Бунда бадан ҳароратини кўтарилиши ва интоксикация симптомлари, герпес қўшилган асосий касаллик билан боғлиқ.

Скарлатинада касаллигини В-гемолитик стрептококкни «А» гуруҳига мансуб, микроблар кўзғатадилар. Стрептококклар эритроген токсин ажратадилар. Бу токсин эритроген фаоллигига эга бўлиб, пироген, цитотоксик ҳужайралар фаолиятига таъсир қилувчи, ретикулоэндотелиал ҳужайралар фаолиятини пасайтирувчи мембраналарни ўтказувчанлигини ошириш сифатларига эга. Бундан ташқаристрептолизин s, ва o, нуклеаза гиалуронидаза. Скарлатина антрапоноз касаллик клиникасида 4 даврни ажратадилар:

1. Инкубация даври.
2. Бошланиш даври.
3. Тошмалар даври.
4. Реконваленценция даври.

Инкубация даври бир неча соатдан 7- кунгача, кўпроқ 2-4.

Бошланиш даври. Касалликни биринчи белгилари пайдо бўлгандан, токи тошма тошгунча ўтган вақтни ўз ичига олади. Бу давридаги асосий симптом интоксикация ва ангина. Интоксикацияда иситма кўтарилади, бош оғрийди, қусади ва тахикардия, юткинди оғриқ, тамоғида чегараланган гиперимия кузатилади. Тошмалар бемор баданига майда қизил рангли элементлар шаклида тошади. Тошмалар терини қизил ҳолатида намоён бўлади. Тошмалар тошиш даврида бадан ҳарорати яна кўтарилади, ангина, регионар лимфадент, тамоғида оғриқ кучаяди. Тошмалар кўпроқ қўлтиқ остида бўлади, човда тақимда қуоқ жойлашади. Скарлатина учун хос бўлган симптом (пастиа). Тошма элементлари 4-5 кунда бутунлай йўқолади. Скарлатина учун оқ дермографизм хос симптом хисобланади.

Реконваленценция даври касалликни иккинчи ҳафтасида бошланади. Бу даврда терида пайса-пайса талаш кузатилади ва бу жараён 2-3 ҳафтада давом этади. Скарлатинада қонда лейкоцитоз, нейтрофилез, соз кўпаяди.

Скарлатинани клиник симптомлари бу касаллик учун хос бўлиб, тошмаларнинг ноаниклигида Чарлстон-Шулц синамасини қўйилади. Тери орасига антиотоксик зардобларидан 0,1 мл юборилса, скарлатинада зардоб юборилган жойда тошмалар йўқолади. Серолгик реакциялар: антистрептозин «0» антистрептозин “s”, антигиолуронидаза ва бошқа антигенларга антителиалар аниқланади. Сийдикда уринареципитация реакциясини, қондан лейкоцитларнинг фагоцитар активлиги текширилади.

Скарлатина псевдотуберкулез билан дифферинцеал диагноз қилинади.

Псевдотуберкулезда скарлатинага ўхшаб интоксикация, майда тошмалар, тамоқда, тилда ўзгаришлар ва терида пўст ташлаш содир бўлади. Псевдотуберкулез скарлатинага ўхшаб иситма кўтарилиб, умумий аҳвол ёмонлашади. Лекин. Скарлатинадан фарқли равишда, псевдотуберкулезда совуқ қоитш, узоқ иситма қилиш, шикоятларини кўплиги, қоринда оғриқ, терида сариклик белгиси, мушакларда бўғимларда оғриқ билан фарқ қилади. Псевдотуберкулезда тошма касалликни 3-4 кунда тошади. Псевдотуберкулезда тошмалар каттароқ ва терининг айрим жойларида макулёз-популёз тугунчалари эритема шаклида бўлади. Тошмалар кўпроқ симметрик жойларга тошади-«қўлқоп», “пайпоқ” Капюшон симптомлар бўлади. Псевдотуберкулезда интоксикация симптомлари кўпроқ бўлади.

Қоринда оғриқ бўлиши, ич кетиши, жигар ва талокни шишиши, терини сариклиги скарлатинада учрамайди. Яна дифферинцеал диагнозда пеницилинтерапия ёрдам бериши мумкин. Скарлатинада эффект беради, псевдотуберкулезда эса ёрдам бермайди. Қизилчани скарлатини билан қиёсий ташхисда скарлатинадаги тошмалар майда нуктасимон, қизилчада эса тошмадлар майда доғли бўлади. Қизилчада тошма бурун, лабучбурчагида ҳам тошмалар тошади, скарлатинада эса бу учбурчак экзантемадан ҳам бўлади ва қўлларни ташқи қисмида, оёқларда эса, оёқ терисининг олд қисмида кўпроқ “қуюкроқ” бўлади, қизилчада бўйиннинг орқасидаги, энсадаги регионар лимфа безлари катталашади.

Касалликни динамикасида кузатилганда, қизилчанинг биринчи кунда юздаги элементлар макулёз шаклида, эртасига майдалашади, 3-чи кун эса, қизилчага хос майда доғли тошмага айланади. Демак, беморнинг кунма-кун кузатиш ҳам диагнозни тўғри қўйишга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Мажидов В.М. Юқумли касалликлар, Тошкент, 1993.
2. Нисевич Н.И., Учайкин В.Ф. Инфекционные болезни у детей, 1990 г.
3. Носов С.Д. Руководство по инфекционным заболеваниям у детей, 1980 г.
3. Махмудов О.С. Болалар юқумли касалликлари, Тошкент, 1995 г.
4. Учайкин В.Р. Руководство по инфекционным болезням у детей, 1999 г.

САРИҚЛИК СИНДРОМИ БИЛАН КЕЧАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ЭРТА ВА ҚИЁСИЙ ТАШХИСИ

Маъруза режаси: Сариклик белгиси бу терини, кўзнинг оқини ва шиллик пардаларини сарик ранга бўялишидир. Бунинг сабаби бўлиб, қондаги билирубин моддасининг кўпайиши натижасида инсон аъзоларида, тўқималарида билирубин моддасининг сингиб қолиши хисобланади. Сариклик белгиси, асосан жигар ва ўт йўли касалликларида, қизил қон таначаларининг ишлаб чиқиш ва уларнинг қонда яшаш жараёнида содир бўладиган ҳолатларда пайдо бўлади. Олимларнинг тақлифи билан, касаллик жараёнининг сабаби ва тараққиётига қараб устки сариклик белгиси учга бўлинади.

1. Жигар фаолиятига боғлиқ бўлмаган ёки жигар сариклиги.

Бунда бирламчи бўлиб қизил қон таначаларининг ишлаб чиқиши зарарланади. Яъни бу сариклик белгиси қизил қон таначаларининг ўта тезликда парчаланишига учраши сабабли паёдо бўлади.

2. “Жигар фаолияти билан боғлиқ» бўлган сариклик.

Бунда жигар тўқималарининг фаолиятини бузилиши ўт йўли майда томирларнинг иши бузилганлиги натижасида сариклик белгиси пайдо бўлади. Бу ҳолат билирубин моддасини қонда кўпайишига сабаб, унинг метаболизми йўлидаги айрим бўғимлари ва жигар хужайраларида билирубин ташиш ишдан чиқади.

3. “Жигар ости” сариклиги. Бунда касаллик жигардан ташқари ўт йўлларида бўлади. Қондаги билирубинни кўпайишига сабаб, жигардан ташқари ўт йўлларида ўт ҳаракатини қийинлашуви ёки унинг бутунлай тўсиб қўйилиши сабаб бўлади.

Теридаги сариклик белгиси: тери тўқ сарик рангда бўлса кўкимтир-сарик, тўқ сарик ва кўкимтир тусли бўлиб, қорароғ ранг бўлса, теридаги ранг сариклик қизғич тусланса деб аталади. Энг аввало сариклик белгиси кўзнинг оқида, тил ости ва танглай шиллик пардаларида пайдо бўлади.

Билирубиннинг қондаги миқдори маълум бир меъёрда бўлганда ҳам сариклик белгиси аниқ ва ноаниқроқ кўринишида бўлиши мумкин. Масалан, озгин яъни тери ости ёғ тўқимаси кам одамларда терисининг сариклиги тўқроқ кўринади, аксинча семиз одамларда тери остидаги ёғ қатлами кўп бўлгани учун, билирубинни ёғи кўпроқ ўзига боғлаш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли, бундай одамларда теридаги сариклик белгиси камроқ бетга чиқади.

Кам қонликда ҳам теридаги сариклик билинар -билимас кўринади. Шунингдек, янги туғилган чақалоқларда ҳам қонда билирубин кўпайганлигига қарамай, теридаги сариклик кам бўлади. Чунки чақалоқларнинг тўқималарида билирубин билан боғланиш хусусияти яхши ривожланмаган бўлади.

Теридаги сариклик белгиси фақат қондаги билирубинни кўпайиши билангина боғлиқ бўлмасдан, балки баъзи бир хил моддалар одам организмда кўпайса ҳам терида сарғайиш аломати паёдо бўлади. Чунончи, каротин моддаси кўпайганда, акрихинни дори сифатида қўллаганда, трипофлавин моддасининг қонда кўпайиши натижасида ва бошқа ҳолатларда ҳам сариклик белгиси бўлиши мумкин. Лекин бундай ҳолатларда кўзнинг оқ пардаси камдан кам сарғайди ва қондаги билирубин моддасининг миқдори кўпаймайди. Демак, сариклик белгисини сабабини аниқлашда, билирубин моддасини организмда пайдо бўлиши ва унинг алмашиш йўллари яхши билиш зарур. Чунки сариклик белгиси кўпинча билирубин моддасининг алмашишидаги ўзгаришлар натижасида сифатида клиникада намоён бўлади. Шунинг учун соғлом болаларда билирубин моддасининг алмашинуви жараёнини билиш мақсадга мувофиқдир.

Соғлом болаларда билирубин алмашинуви ғақида тўхташдан аввал, жигарни умумий модда алмашинувидаги роли хақида тўхтаб ўтамыз.

Жигарнинг вазни – танасини 2-3% вазнини ташкил этади. Моҳияти жиҳатидан у организмнинг биохимик лабораториясидир. Жигар хужайралари-гепатоцитлар барча жигар хужайра элементларининг 60% ни ташкил қилади. Ҳар бир жигар хужайраларида 100 гача митохондриялар бўлиб, уларда крепс цикли, баъзи сегментларида модда алмашинувининг махсус реакциялари ўтади. Жигар тўқимасида жуда кўп оксил ферментлар бордир. Бу оксил ферментлар оксил жигар микросомаларида синтез бўлади, улар 50% фоизига яқин РНК дан тузилган.

Жигар хужайраларидаги митохондриялар оксидловчи ва гидроксидловчи ферментларга бойдир. Уларга Крепс циклида ёғ кислоталарини парчалашда қатнашадиган ферментлар, фосфорлик оксидланишда иштирок этадиган ферментлар ҳам киради, жигардаги ферментлар қуйдагилардир: липаза, амилаза, фосфорилаза, зофосфорилаза, проетоза, холиестераза, лецитиназа, фосфотаза, нуклеаза, аргиназа, каталаза, цитохромоксидаза, ёғ кислоталари дебир /боғланган тўғри/ Ван-ден-Берг реакциясида тўғри реакцияга киради. Бу билирубин «захарлик» ёғли бўлиб, аувда эручи ва қонда унинг миқдори ошса /буйрак порогои-27, 36-34, 2 мкмоль/л/ буйрак орқали сийдик билан чиқади. Конъюгацияланган билирубин жигар хужайраларининг билиар кутбидан ажралиб ўт капиллярларига ўтади. Бу жараён маълум миқдорда энергия сарфдаш хисобига бажарилади ва бу энергияни манбаи сифатида АТФ қатнашади. Билирубиннинг экскреция қилиш фаолияти жигар хужайраларининг тезда ҳар хил ҳолатларнинг таъсирига берилувчан функцияларидан бири хисобланади. Билирубин ўтнинг таркибида конъюгацияланган бўлса ичакка ўтади ва у ерда бактерияларнинг ферментлари-дегидрогеназалари таъсирида

рангсиз уробилин таначаларига А-уробилиногае, I уробилиноген; стеркобилиногенга тикланилар. Буларнинг бир қисми дарвоза венасиорқали жигарга қайтади ва қайта ўтга ўтиб, ичакка тушади. Уробилиногенларнинг бир оз қисми геммориодаль веналар орқали катта қон айланиш йўлига ўтади ва сийдик орқали ажралади. Соғлом одамларнинг сийдигида бир кеча-кундузда 0,5-2 мг уробилиноген таначалар, асосан, уробилиноген сифатида ажралади. Сийдик бир оз идишда туриб қолса, уробилинга айланади.

Уробилиногенни асосий қисми ичакнинг қуйи қисмларига тушиб, у ерда оксидланиб стеркобилинга айланади. Бир кеча-кундузда нажас орқали 150-300 мг гача стеркобилиноген ва стеркобилин ажралади. Чақолоқларда ва чақолоқларнинг ҳаётининг биринчи уч ойлиги давомида она сути билан таъминланган болаларда, ичакларда ичак таёқчалари бўлмагани учун билирубиндан стерробилин ҳосил бўлмайди. Соғлом одамнинг қонида 1,7 дан то 18,8 мкмоль/л умумий билирубин, шундай 1,7-14,5 мкмоль/л тўғри бўлмаган ёки эркин билирубин, 0,8-4,3 мкмоль/л боғланган, конъюгацияланган билирубин бор.

Сийдикда билирубин моддаси бўлмайди, уробилин моддасининг жуда оз қисми /изини/ топиш мумкин, нажасда стеркобилин бўлиб, унга кўнғир ранг беради. Гипербилирубинемия, бу билирубин ҳосил бўлиш тезлиги билан унинг ажралош жараёнидаги динамик мувозанатини бузилишидир.

“Жигар юкорисидаги” сариклик бу янги туғилган чақолоқларнинг гемолитик касаллиги, ҳар хил наслдан-наслга ўтувчи гемолитик анемиялар, гемоглобинопатия, катта қон қуйилишлар /қонталаш/ полицитемия, дорилар таъсирида бўладиган гемолитик натижасида бўлиши мумкин.

Бу ердаги асосий патогенетик ҳалқа бу эритроцитларнинг кўп парчаланиши натижасида ёки патологик эритропоэз оқибатида ўт пигментининг кўп ҳосил бўлишидир. Шунингдек, гемолитик сарикликни пайдо бўлишида жигар тўқималарида ўтнинг секреция қилиниши ҳам жараёнида ҳосил бўладиган билирубиндан 3-4 марта кўпроқ билирубинни ўт йўлига ўтказиши мумкин. Ана шу жигарнинг ишлаш қувватидан кўп билирубин ҳосил бўлса, жигардан юкори бўлган сариклик пайдо бўлади. Жигарга таъсир қилувчи факторларга камқонлик натижасида ҳосил бўладиган интоксикация, меъридан кўп бўлган гемоглабинни токсик таъсири, бактериемия ва иммунологик жараён қиради. Қизил қон таначаларининг кўп парчаланиши, эркин билирубинни кўп ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Бу эса жигар тўқималарининг бутун имкониятларини сарфлаб ишлашга қарамай, эркин конъюгацияланмаган билирубинни кўпайишига олиб келади. Бир хил ҳолатларда гепотацияларни ўт йўлига ўтказиш имконичти сусайгани учун қонда конъюгацияланган билирубин ҳам оз миқдорда бўлади. Бундай сарикликларда ўтда жуда кўп миқдорда билирубин моддаси бўлади ва бу модда қисман эркин ҳолда ёки билирубин моноглюкронид сифатида учрайди. Бу эса ўт йўлларида ўтдан тошлар пайдо бўлишига олиб келади, чунки билирубин моноглюкронид сувда камроқ эрийди, ва шунинг натижасида ўтда тошлар пайдо бўлишига моиллик вужудга келади. Ичакка ўт билан жуда кўп конъюгацияланган билирубин тушиши натижасида кўп миқдорда уробилиноген таначалари ва стеркобилин ҳосил бўлмайди, уробилиноген таначаларининг кўпчилиги қисми дарвоза венаси орқали жигарга ўтади ва жигар хужайралари камраб олмаги учун қонга ўтади. Бу эса қонда уробилиногенни миқдорини кўпайишига олиб келади. Бунинг оқибатида қондан буйрақлар орқали сийдикка ўтиб, сийдикда уробилин сифатида аниқланади. Шундай қилиб, жигар усти сариклиги деб аталувчи сарикликда билирубиннинг умумий миқдори 68-85 мкмоль/л, унинг асосий қисми /80-90%/. Конъюгацияланмаган билирубин ташкил қилади ва гемолитик кўпайганда бундай билирубин янада кўпаяди. Бу ҳолатда уробилин таначалари, стеркобилин нажасда. Сийдикда уробилин кўпаяди ва билирубиния учрамайди, биринчи соатларда ёки биринчи кунда паёдо бўлади. Буни замирида қондаги резус факторларнинг келишмовчилиги, бола ва онади АВО нинг бир-бирига мос келмаслиги ва яна бошқа сабаблар ётади. Бундай болаларда сариклик белгиси соатма-соат оша боради. Сийдик тўқ сарик ранга бўляди, жигар ва талоқ катталашади, шишади. Сарикликнинг кўпайиши натижасида марказий нерв системасига таъсир қилиб. Шайтионлаш белгилари паёдо бўлади, болалар бўшашади. Кўкрак уриши сусаяди, кўзларнинг ҳаракати зарар қўради ва энса мушаклари қотиш аломатлари пайдо бўлади. Касал болаларнинг қони текширганда, қондаги конъюгация қилинмаган билирубинни миқдори кўпайганини шохиди бўламиз. /51,31 мкмоль/л дан юкори. Қондаги трансминазаларнинг миқдори ошмайди. Қонда анемиянинг белгилари, ретикулоцитоз, эритроцитларнинг резистентлиги камайиши каби белгилар топилади. Қумбснинг реакциясини чақолоқларнинг эритроцитлари билан қўйганимизда мусбат аломатини кўраемиз. Она қони-резус-манфий, резус оқсил таначаларини аниқлаш мумкин. Боланинг қони резус мусбат бўлади. Шу ҳолда касал болаларнинг сийдигини текширганимизда уробилин моддасини кўпайгани ҳақида маълумот оламиз. Лекин шуни таъкидлаш керакки, сийдикда ўт пигментлари топилмайди. Онанинг хотираномасида олдин ҳам гемолитик анемия билан касалланган чақолоқларни туғилгани, ўлик бола туғилиши, бола ташлаш ва резус-факторни текширмай қон қуйилишлар бўлганлигини аниқланади.

Бир хил ҳолларда касалликнинг 5-6 кунда, жигар хужайралари ишнинг хаддан ошиши натижасида экскреция хизмати бузилади ва ўтнинг қуйуклашиш синдроми келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатларда қонда конъюгацияланган билирубин пайдо бўлиб, сийдикда эса ўт пигментлари аниқланади. Нажас ҳам оқ қул ранг тусга қиради. Беморда сариклик белгиси кучайиб, жигар янада катталашади ва қонда протромбин моддаси камаяди.

Туғма гемолитик сарикликлар орасида кўпроқ учрайдигани бу Минковский-Шаффар касаллиги ёки ирсий микросфероцитоздир. Бу касалликнинг замирида эритроцитларнинг мембранасидаги оксил моддасини структурасини бузилиши ётади ва касаллик аутосомдоминант типиди авлоддан-авлодга ўтади. Касаллик ёш болаларда аста-секин бошланиб, анемияни оғир кечишига олиб қиради. Янги туғилган чақолоқларда терисида сариклик пайдо бўлиб жигар катталашади, талоқ эса унча катта бўлмайди. Қонда микросфероцитоз ва ретикулоцитоз каби белгилар бола ҳаётининг биринчи кунларида жуда сезиларли бўлмай, боланинг ёши катталашгани сари бу белгилар аниқ намоён бўлади.

Эритроцитларнинг минимал осматик резистентлиги камаяди, максимал ташхисотида акушерлик хотиранома, эпидемиологик вазият, теридидаги белгилар, она ва боланинг бактериологик текшириш натижалари ёрдам беради, шу билан бирга қонда HBs Ag топилмайди, трансминазаларнинг фаоллиги, билирубин миқдори ўта даражада ошади. Ҳар хил дориларининг (сульфаниламидлар, аминазин, баъзи антибиотиклар ва ҳ.к.) таъсирида ҳам сариклик белгиси келиб чиқиши мумкин. Бундай касалликларининг анамнезида у ёки бу дорини олгани ҳақида хабар топилади ва саргайишдан олдин ҳеч қандай белгилар бўлмайди. Сариклик холестерин сифатида бўлиб, трансминазаларда дярлик ўзгаришлар бўлмайди. Бир озгина диспротеинемия бўлиши мумкин. Сариклик белгиси олинаётган дорининг берилиши тўхтатилса тезда йўқолади. Она сутини эмаётган болаларда баъзан сариклик белгиси учрайди. Бунинг сабаби шундаки, янги енгил бўлган онанинг сутида прегнандиога ўхшаш модда бўлиб, жигардаги глюкуронил трансферазани фаоллигини камайтиради ва бу қондаги эркин билирубиннинг миқдори бола ҳаётини 10-15 кунгача кўпайишига олиб келади. Бундан сўнг аста-секин бола қонда билирубинни миқдори камайиб, 3-12 ҳафта давомида нормал ҳолга келади. Агар сариклик пайдо бўлганида кўкрак сутидан ажратилса 4-8 кун давомида йўқолади.

Туғма-гепатозлар жумласига Жилбер, Криглер-Наджар, Дабин-Джонсон ва Ротор синдромлари киради.

Жильбер синдроми- бу туғма конституциональ сариклик. Янги туғилган болалар ҳаётини 2-3 кунларида сариклик белгиси пайдо бўлади. Конъюгацияланган билирубинин соатлаб кўпайиши 2 мкмоль/лдан ошмайди. Сарикликни келиб чиқиши жигар хужайрасида билирубин конъюгациясини уни транспортировкасини бузилиши ва гепатоцити синусаидаль мембранасидан дефект билан боғлиқдир. Бу касалликни гемолитик анимиялар истесно қилганидан сўнг қуйилади.

Криглер-Наджар синдроми- бу синдромнинг заминиди жигар хужайраларида глюкуронилтрансфераза деб аталувчи ферментнинг йўқлиги ёки унинг фаоллигини камайиши ётади. Бунда чақолоқ ҳаётини биринчи кунидеёк терисида сариклик белгиси пайдо бўлади ва боланинг нажасати оқ кулранг тусга кириб, сийдиги эса рангсиз бўлади. Бир неча кундан сўнг сийдик ҳам нажасат ҳам ўз ранглирига қайтадилар. Бу эса уробилиноген борлигидан дарак беради. Криглер-Наджар синдроми анемия ҳам гемолиз ҳам гепатоспленомегалия ҳам учрамайди.

Дабин-Джонсон синдроми. Оилавий тус олиб, кўпроқ оиладиги эркакларнинг ёшлигида учрайди. Бу гепатознинг асоси жигар хужайрасининг экскреция функциясини шикастланиши ётиб, бу билирубинни регургитациясига олию келади. Бу синдромда асосий белги шудан иборатки, бу болаларда сурункалик давом этадиган сариклик пайдо бўлишидир. Лекин сариклик унча кучли, ёркин бўлмайди. Вақти-вақти билан сийдикнинг ранги тўқ сарик, нажасат эса оқ ранга бўялади.

Жигар буйрак катталашган. Талоқ катталашмаган. Қонда конъюгацияланган ва эркин билирубин кўпаяди. Жигарнинг айрим функцияларида бир оз бўлсада, аҳён-аҳёнда ўзгаради. Бу синдром кўпинча ўт йўлларида тош келиш касаллиги билан бирга учрайди.

Ротор-синдроми. Оилавий учрайдиган синдромдир. Бунинг келиб чиқиши Дабин-Джонсон синдромининг келиб чиқишига монанд.

Ротор синдромида сариклик болалик даврида бошланади, янги туғилган чақолоқлик давридаги сариклик эса узоқ чузилади ва тўқ сарик рангда бўлади. Бу синдромга дучор бўлаган болаларнинг бир хилда жигар шишган бўлса, бошқаларида талоқ шишади ва аҳё-аҳёда сийдик тўқ сарик ранга бўялади. Билирубиннинг қондаги миқдори Дарбин-Джонсон синдромдан ошироқ бўлади, ва қондаги билирубиннинг 30-80 фоизи конъюгацияланган билирубин функциясига тегишлидир. Қонда бошқа гемологик ўзгаришлар бўлмайди. Дабин-Джонсон синдроми билан ўртасидаги дифференциал диагностикаси ҳал қилишда жигар тўқимасини морфологик ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Жигар ости (ёки механик сариклиги)

Бу янги туғилган чақолоқларда ўт йўлларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлса, катта болаларда эса ўт йўлларида учрайдиган ўсма ва тош билан боғлиқ. Отрезиянинг гумон қилиш учун қуйдаги белгиларга аҳамият бериш керак. Бу тери ва шиллик пардаларнинг сариклиги, кўтликда доғ қолдирувчи тўқ сарик сийдик ва оқ кулранг нажасдир. Бола ҳаётининг биринчи кунларида териди кичима бўлмайди, жигар катталашади уни пайпаслаб кўрилганда оғриқ сезилмайди, лекин жигарни қаттиқлашганини кўл ёққол сезади. Эгн инобатли белги бк нажасотни оқаришидир. Бола ҳаётини биринчи 2-3 ойлигида бола аҳволи ўзгармайди, у ўзини яхши хис қилади. Қонда боғлаган билирубиннинг миқдори ошади, сийдикда ўт пигментлари реакцияси мусбат бўлади, лекин уробилин манфий реакция бўлади. Қондаги трансасмизананинг фаолияти ошмайди. Бу касаллик аниқлашда рентгенологик текширишлар ва жигарни скенирлаш яхши ёрдам беради.

Катта ёшдаги болаларда вирусли гепатитдаги сариклиқни холецистит, холелитиаз, жигар дарвозасида пайдо бўладиган ўсмалар билан дифференциация қилиш керак. Агар механик сарикликка гумон қилинса бир неча кун /5-7кун/ кортикостероидлардан бериш керак бўлади. Чунки, кортикостероиддан наф тегмаса бу механик сарикликдан дарак беради. Мукависцидозда жигар шикастланиб, сариклик белгиси бўлиши мумкин. Бунда холестази келиб чиқишига сабаб, ўт йўлларида қуюқ шиллик моддадан тромб ҳосил бўлиши ва гиалини конкретлар тўпланишидир. Бундай ўзгаришлар она қорнидаги даврида бошланади. Беморларнинг териси сарғаяди ва ичак фаолиятини бузилиши натижасида қобзият бўлади. Мукависцидознинг диагностикаси фкринг тестларга асосланган бўлиб, териди, тирноқда хлор ва натрий моддаларни аниқлашга асосланган. Кейинчалик бу касаллик циррозга ўтиб кетиши мумкин.

Ҳар-хил сабаблар асосида келиб чиқадиган сарикликлар.

Физиологик /транзитор/ сариклик глюкуронилтрансфераза фаоллигини камайиши натижасида келиб чиқади, кўпинча сариклик бола туғилган сўнг иккинчи кунда пайдо бўлади, ҳар-хил даражада ва 7-8 кун ичида ўтиб кетади. Чала туғилган болалардагина сариклик узоқроқ давом этади. Чақолоқларда физиологик сариклик 60-80 фоизда учрайди. Бунда жигар ва талоқ шишмайди, нажаснинг ранги ўзгармайди, сийдик тўқ сарик рангда бўлиб, уробилинни ҳисобига деб ҳисобланади.

Жигар билан боғлиқ паренхиматоз сарикликлиги.

Янги туғилган чақолоқларда учрайдиган гепатитларни сабабчиси бактериялар, вируслар, паразитлар бўлиши мумкин. Яна шуки, янги туғилган чақолоқни жигарни зарарланиши онасининг хомилдорлик даврида ҳар- хил дориларни истеъмол қилиши натижасида бўлиши мумкин. Туғма «В» вирусли гепатитни белгилари янги туғилган чақолоқларда туғилган захоти ёки туғилганидан сўнг бир ой ичида учраши мумкин. Терининг сариклиги болада туғилган захоти ёки унинг ҳаётининг биринчи кунларида пайдо бўлиши мумкин. Боланинг нажаси оқаради, сийдиги сархайиб, кўтлиги сарик доғ қолдиради. Касалликни биринчи кунларида қонда конъюгация қилинмаган эркин билирубин кўпайиб, кейинчалик конъюгацияланган билирубин ҳам ошади ва бириккан билирубин қонда кўпроқ бўлади. Бемор болани текширганда жигарни шишганини, катталашганини аниқлаш мумкин. Талоқни ҳамма беморларда ҳам унча катталашмаганини пальпация орқали аниқланади. Бундай пайтларда интоксикация белгилари пайдо бўлади ва ошқозон ичак фаолиятини ҳам бузади. Буни натижасида болаларни кўкрак олиши сусаяди, қушиш белгиси ва танани сувсизланиш белгилари пайдо бўлади. Беморлар озиб, вазни 10% гача камаяди ва узоқ вақтгача бу йўқотилган тана оғирлигини қайта тиклай олмайди. Беморларда гипотония ҳолати, рефлексларни сезгирилигини пасайиши, она кўкрагини эмишда ва ютишда дискординация белгилари қузатилади. Шайтонлаш, менингеаль симптомларни ҳам учратиш мумкин. Касаллик энгил ўтганда беморда тери сариклиги бир озгина бўлиб, бироз холсизланиш сезилиб, гепато-спленомегалия ҳам учрайди.

Касалликни оғир ўтишда эса марказий нерв системасининг фаолиятини пасайиши, шайтонлаш ва тана ҳароратини кўтарилиши каби белгилар аниқланади. Шу билан бирга геммогик синдром кўшилиши натижасида беморнинг терисида эххимозлар, кофе уйқусига ўхшаш қушиш ва бошқа қон қуйилиши аломатлари учраб туради. Беморни жигарни хажми қисқаради, талоқ эса катталашади. Бемор қонини текширганда умумий билирубинни ошганлигини, шу жумладан эркин ва «боғланган» билирубинлар ҳам кўпайганлигини гувоҳи бўламан. Қондаги трансаминазаларнинг фаоллиги ошади. /Нафақат трансаминазаларнинг, шу билан бирга альдалаза, ишқорий фосфатаза ва бошқа ферментларда ҳам фаоллик ошади/. Жигар функциясини кўрсатувчи белгилар ҳам ўзгариб унинг фаолиятини ёмонлашганидан дарак беради. Қонда HBs Ag топилади.

Жигар фаолиятини етишмаслиги оқибатида бир неча кун ёки 3-4 ҳафта давомида бемор ҳалок бўлади.

Туғма токсоплазмада ёки цитомегалияда учрайдиган гепатитда боланинг туғилган кундан бошлаб териси сарғаяди, нерв системасининг зарарланганлигидан дарак берувчи белгилар- микроцефалия, рефлексларни пасайиши, хаддан ташқари

нервларнинг кўзгалувчанлигини ошириш ёки апатия, микрофтальмиялар аниқланади. Бундан ташқари ҳар-хил юрак пороклар, гепато-спленомегалияни ҳам кузатилади. Шунинг билан бирга истихсо белгилари ҳам бўлиши мумкин.

Буларнинг дифференциаль диагностикасида акушерлик анамнези ёрдамлашади, /тез-тез бола ташлаш ёки болаларни чала туғилиши ва х.к./

Таксоплазмознинг аниқлашда калла суягини рентгенограммаси, бемор кўз тубини текшириш, тери тўқимаси ичига махсус токсоплазмин моддасини юбориб текшириш РПГА ва РСК реакцияларини қўйиш ёрдам беради. Лекин бу реакциялар икки ёшгача бўлган болаларда манфий бўлади.

Бодом, лимфатик безларни пунктида, қон, ликворда махсус текширув ўтказиб, токсоплазмаларни топиш мумкин.

Учқуқ ташувчи инфекцияда ҳам гепатит бўлади. Бундай касаллик фақат оналарнинг хомиладорлигини охириги ойларида ёки туғиш вақтида учиниш касаллиги билан оғриб, учқуқ тошса чақалоқ болаларга ўтиши мумкин, клиник белгилардан терида сариклик, жигар, талоқ шишиши каби симптомлар бўлади. Касаллик оғир ўтса, геморрагик-синдром, менингеаль синдром, мияда кальцификатлар ҳосил бўлиши билан ўтадиган энцефалит каби синдромлар учрайди. Бу касаллик учун хос бўлган тери ва шиллик пардаларда герпетик тошмалар учрайди. Лабораторияда вирусологик ва серологик ташхис усулларидадан фойдаланилади.

Туғма қизилчада учрайдиган гепатит.

Она қорнида боланинг ривожланиш жараёнида ҳар-хил бузилишлар пайдо бўладики, бунинг натижасида бола туғилганда аъзоларида ҳар-хил камчиликлар билан туғилади. Грег учлиги деб аталувчи учликда-кўзда, эшитишда ва юракда камчиликлар бўлади. Тромбоцитопениянинг натижасида боланинг терисига қон қуйилади. Шу билан бирга анемия ҳолати ва суякларда ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Вирусли гепатитлар қаторига, сувчечак, аденовирус инфекциясида, Коксаки ва ЭХО вирусли инфекцияларда учрайдиган гепатитлар ҳам киради.

Бактериялар ҳам гепатит касаллигини сабабчиси бўлиши мумкин, бк листериозни септик кечишида, туберкулезда, туғма захма, сальмонеллезда ва бошқаларда учрайдиган гепатит. Туғма микоплазма инфекциясида ҳам гепатит учраши мумкин. Барча гепатитларнинг резистентлиги эса ошади. Қонда конъюгация қилинмаган билирубин ошиб, унинг миқдори жуда юқори даражада бўлиши мумкин.

Ирсий туғма анемиялар ичида энг кўп учрайдигани, бу эритроцитларда глюкоза-6 фосфв-дн-гидрогеназа энзимини етмалиги натижасида пайдо бўладиган гемолитик анемия ҳисобланади. Г-6-ФД энзимини етмаслиги наслдан-наслга ўтади. Клиникада янги туғилган чақалоқларнинг териси сарғаяди, сийдиги тўқ-сарик тусда бўлиб, бу гипербилирубинемияни натижаси ҳисобланади. Кўпинча теридаги сариклик чақалоқ ҳаётини иккинчи кунда кўринади. Гепатомегалия ва спленомегалия бу сарикликда учрамайди. Қиз болаларга нисбатан ўғил болалар Г-6-ФД етишмаслиги билан уч марта кўпроқ оғрийди.

Беморларнинг қонини текширилганда гемоглабин курсатгичи меъёрга яқин бўлади, чуеки гипербилирубинемияни кучли намоён бўлиши учун унга биров гемолитик ўзигагина кифоя. Шу билан бирга эритроцитларни фрагментацияси ва ўртача сферцитоз ҳам учрайди. Янги чақалоқлардаги витамин-Е нинг етишмаслиги, метгемоглобин редуктазани, глутатионпероксидазани ва бошқалани активлиги пасайиши гемолитик пайдо бўлишига мойиллик туғдиради.

Адабиётлар:

1. Мажидов В.М. Юқумли касалликлар, Тошкент, 1993.
2. Нисевич Н.И., Учайкин В.Ф. Инфекционные болезни у детей, 1990 г.
3. Носов С.Д. Руководство по инфекционным заболеваниям у детей, 1980 г.
3. Махмудов О.С. Болалар юқумли касалликлари, Тошкент, 1995 г.
4. Учайкин В.Р. Руководство по инфекционным болезням у детей, 1999 г.

ДИАРЕЯ СИНДРОМИ БИЛАН КЕЧАДИГАН ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА ҚИЁСИЙ ТАҚҚОСЛАШ.

Маъруза режаси: умумий амалиёт шифокорлари тайёрлашда диарея синдроми билан кечадиган касалликлар кўп учрайди, уларнинг эрта ташхисоти ва қиёсий ташхисоти муҳим рўл касб этади. Маърузанинг асосий мақсади талабаларни касалликнинг клиник белгиларига асосланиб эрта ва қиёсий ташхисотини ўргатиш.

Диарея синдроминанинг клиник тавсифномаси.

Умумий маълумот. Ўткир ичак инфекцияси клиник классификациясининг асосида диарея синдроминанинг келиб чиқишига қараб икки гуруҳга бўлинади инфекция ва ноинфекция.

Диарея синдроминанинг дифференциал диагностикасини ўтказганда врач бунга эътибор қилиши керак.

Ўткир гастрит синдроми эпигостал соҳада тўсатдан бошланган оғрик ва оғирлик билан характерланади. Оғрик синдроминанинг олдида ёки кейин кўнгил айнаши ва қайт қилиши бўлиши мумкин. Қайт қилиш энгиллик келтиради, оғир ҳолларда қайт тўхтамайди, суюқлик истеъмол қилгандан ҳам бўлади. Эпигострал соҳани пайпаслаб кўрганда ўткир оғрик, мускулларнинг маҳаллий таранглиги, шунинг учун ошқозон ости безининг шикастланишини баргараф қилиш керак (ўткир панкреатит, панкреанекроз).

Ўткир энтерит синдроми. Қоринда гирилланиш, киндик атрофида оғрик, ёлғон чакириқлар ичи келганда, суюқ нажас бўлиши билан характерланади. Ингичка ичакнинг сурилиши ва ферментатив жараёнларнинг бузилиши натижасида нажаси суюқ ва ҳазм бўлмаган овқат қолдиқларини текширганда кўриш мумкин. Нажаснинг ранги очик, сарик ва кўкимтир рангда бўлади, бу ўзгариш ўт пигментларининг ўзгармаганлиги билан боғлиқ. Ўткир энтеритнинг оғир кечишида нажас лойланган тусда бўлади, қорнини пайпаслаганда ингичка ва йўғон ичак соҳасида қулдирашлар сезилади.

Касалликларнинг ичида асосий синдром энтерит бўлганда сувсизланиш ривожланади (вабо, сальмонеллез, эшерихиоз).

Ўткир колит синдроми қориннинг пастки соҳасида тутқаноқсимон оғриклар, кўпинча чап томонда, ёлғон чакириқлар билан характерланади. Типик колитик синдромни нажасни гомоген характери, суюқ консистенцияси, патологик қўшилмалар-шиллик, қон, йиринг билан характерланади.

Йўғон ичакнинг терминал соҳасида геморрагик жараённинг ривожланишида нажас шиллик ва қон билан бўлади. Агар қон қуйиш ва некроз йўғон ичакнинг ўнг томонида бўлганда шиллик қизил ранга бўлади. Шилликсиз йиринг касалликнинг ўткир периодида кузатилмайди. Уни реконвельсценцияда, нажаснинг охири порциясида кўриш мумкин.

ДИАРЕЯ БИЛАН КЕЧАДИГАН ИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИКЛАР ҚИЁСИЙ ТАШХИСИ

Гастрит ва гастроэнтерит синдроми билан ривожланадиган инфекциялар касалликлар.

Инфекцион диареяларни дифференциал диагностикасини ўтказганда ошқозон-ичак трактининг қайси қисми шикастланиши кузатилишига ката эътибор бериш керак, ошқозон-ичак тракти юқори, ўрта ва пастки қисмларга бўлинади. Бу юқиш механизми (фекал-орал), юқумли (токсиген) агентнинг дозаси, чақирувчиларнинг (токсин) троплиги ичак найининг айрим қисмларига таъсир қилади.

САЛЬМОНЕЛЛЕЗ

Сальмонеллезнинг гастроинтестинал формасида 75% гача касаллик гастроэнтеритик вариантда кечади, инкубацион даври (12-24 соат) қисқа бўлиб ўткир бошланади.

Касаллик ўткир, интоксикация аломатлари (холсизлик, бош оғриғи, ҳарорат кўтарилиши 38-40 С) билан бошланади. Гастроэнтерит симптомлари ҳам шундай бошланади; эпигастрал соҳада, киндик атрофида оғрик, кўнгил айнаши, қайталанадиган қайт, суяқ нажас ёлғон чақириксиз бўлади. Нажаснинг ранги лой типиди бўлади. Касалликнинг давомийлиги оғирлигига боғлиқ. Енгил формасида тана ҳарорати субфебрил, қайт бир мартаба, нажас кунига беш марта бўлади.

Касалликнинг ўрта оғир формасида тана ҳарорати 38-39 градус, қайталанувчи қайт, нажас 10 мартаба бўлади, I-II даражали сувсизланиш кузатилади.

Касалликнинг оғир формасида интоксикация симптомлари кузатилади, сув-туз алмашинуви бузилади (сувсизланиш II-III даража), ўткир буйрак етишмовчилиги кузатилиши мумкин.

ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРДАН БЎЛАДИГАН ТОКСИКОИНФЕКЦИЯЛАР.

Энтеротоксин чиқарадиган юқумли микроблар билан зарарланган овқат маҳсулотларини истеъмол қилгандан кейин ривожланади. Кўпинча стафилакокклар билан зарарланганлар регистрация қилинган, уларга қисқа инкубацион давр (1-3 с), гастритнинг ва умумий токсикознинг тез бошланиши хос. Оғир ҳолларда эпигастрал соҳада бирдан бошланадиган кучли оғриқлар, тез бошланадиган умумий холсизлик, аденамия, тормозланиш, бош айланиши, қўл-оёқларнинг совуққотиши, кўнгил айнаши, қайталанувчи қайт, терининг ранги оқимтир, совуқ терлаш апрациноз, гипотония, эпигастрал соҳанинг пайпаслаганда локак оғрик бўлади. Тана ҳарорати сальмонеллезга қараганда нормал бўлади, умумий токсикознинг оғирлигига мос келмайди. Нажаснинг бузилиши ҳамма вақт кузатилмайди, патологик қўшилмалар бўлмайди, кунига 1-5 марта, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллигида, ошқозон-ичакнинг онкологик касалликларида бу касаллик ривожланса қуйидаги касалликларнинг кечиши оғирлашади, бу интоксикация синдомининг кучайтириши, ичакдан қон кетишининг ривожланишига олиб келиши мумкин.

Бу касаллик этиологик полиморфизмга (цитробактер, клебсиелла, протейя, кластридия ва бошқалар) қарамадан секин бошланиши, интоксикациянинг секин бошланиши, бошланғич гастритик аломатлари йўқолиб, энтеритик аломатларнинг кучайиши билан характерланади. Касаллик эпигастрал соҳада енгил дискомфорт билан бошланади. 1-2 соатдан кейин кўнгил айнаши, қайт қилиши, кориннинг юқори қисмида оғрик билан бошланиши. 0,5 -1,5 соатдан кейин суяқ нажас, коринда гириллаш, оғриқлар тутқаноқсимон бўлади, оғрик юқори қисмдан пастга тушади ва ич келиши билан тугайди. Нажас кўп ва сассиқ бўлади, оғир ҳолларда сувга ўхшайди, Касалликнинг бошида совуққотиш бўлиб 4-5 соатдан кейин ҳарорат кўтарилади. Оғир ҳолларда (ёшларда, болалик даврда) интоксикация ва сувсизланиш кучли бўлади, тери оқариб, холсизлик тез ривожланади, бош айланиши кузатилади ва Яна ҳушидан кетиши, шиллик қаватларнинг қуриши, тахикардия, пульснинг лабиллиги, артерия гипотония, мускулларда тутқаноқ, коллапс олигоурия кузатилиши мумкин. Бу касалликнинг сальмонеллезнинг (гастроэнтеритик варианты), дизентериянинг атипик (гастроэнтероколитик формаси) билан дифференциация қилиш жуда қийин. Бу ерда диагностиканинг специфик усулларининг аҳамияти катта.

Касалликнинг сабабини билиш учун овқат қолдиқлари, нажас, қайт қилган массалар, ошқозон ювиб олинган сув бактериологик текширилади. Агар чақирувчи нажасда, қайт қилинган массаларда кўп миқдорда бўлса бу ташхис бактериологик тасдиқланган бўлади.

ЭНТЕРИТ СИНДРОМИ БИЛАН РИВОЖЛАНАДИГАН ИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИКЛАР

ХОЛЕРА (ВАБО)

Вабога нисбатан доимий эътиёткор бўлиш керак. Унинг бошланғич давларида интоксикация ва оғрик синдроми бўлмайди. Касалликнинг биринчи аломатлари энтерит бошланиши билан боғлиқ, нажас суяқ, кўп миқдорда гуруч қайнатмасига ўхшайди, ҳиди йўқ. Касаллик оғирлашганда қайт қўшилади (гастроэнтерит) . Сувсизланиш ва электролит алмашинувининг бузилиши езу ривожланади. Вабога нажасни кўп миқдорда ажралиши хос, бу эса сувсизланишга олиб келади (гиповолемия) , мускулларнинг тутқаноқсимон қисқариши кузатилади. Йўғон ичакнинг йўлдош касалликларида масалан: геморройда, вабо қоринда оғриқлар билан кечиши мумкин. Бундай ҳолларда касалликнинг динамикасини қўшимча клиник-лаборатор текширувлардан кейин дифференциал диагностика қилиш мумкин. Энтерит синдроми билан кечадиган ичак инфекцияларини вабонинг енгил формаларидан якуний дифференциация қилганда бактериологик усулларни қўллаш мумкин.

Эшерихиоз. ЭПКЛ билан чақирилган ўткир ичак инфекцияси. Вабогагадай диареянинг асосида чақирувчиларнинг энтеротоксинлари асосий ролни бажарадилар.

Вабосимон эшерихиозда инкубацион давр 1-2 кун бўлади. Касаллик ўткир бошланади. Беморлар холсизликга, бош оғриққа шикоят қиладилар. Сўнгра қориннинг юқори қисмида утқаноқсимон оғриқлар, кўнгил айнашига, қайтга шикоят қиладилар. Бир нача соатлардан кейин нажас суяқлашади, патологик қўшилмаларсиз кўп миқдорда кунига 8-12 мартаба

ажралади. Дегидротация симптомлари кузатилади. Эшерихиознинг вабога ўхшашлиги шундаки касалликларнинг бошида тана ҳарорати нормал бўлади, биринчи соатларда оғриксиз, тезда ривожланадиган сувсизланиш бўлади. Касалликнинг фарқи шундаки эшерихиозда электролит алмашинуви камроқ бузилади ва вабодагидай асоратлар бўлмайди.

Дизентериясимон эшерихиоз ўткир бошланади, интоксикация, тана ҳарорати нормал бўлади. Нажас кунига 3-5 марта, шиллик, қон қўшилган бўлади. Эшерихиозни дизентериянинг енгил формасидан дифференциация қилиш қийин. ЭПКП билан чақирилган касалликларнинг якуний диагнозини бактериологик усулларни қўллаб қўйиш мумкин.

ИЕРСИНИОЗ.

Диарея синдроми Билан кесадиған иерсиниозни икки формаси мавжуд. Айрим ҳолларда эшерихия энтероколитика Билан чақирилган касаллик мустақил кечади.

Бу касалликнинг клиник полиморфизмга қараб (экзантема, палеаденопатия, артралгия, ангина ва сариклик синдромлари) дифференциал диагностика қилиш мумкин.

Ошқозон-ичак тракти томонидан бўладиган ўзгаришлардан олдин касалликнинг ўткир бошланиши, тана ҳароратининг 38-39 С гача қўтарилиши, умумий интоксикация симптомлари (бош оғриқ, ҳолсизлик, мускулларда, бўғимларда оғриқ) бўлади.

Кейин қоринда кучли оғриқ пайдо бўлади, кўпинча ўнг ёнбош соҳада, нажас кунига 10-15 мартаба, кўп миқдорда, суюқ сассиқ хидли бўлади.

Специфик диагностика чақирувчининг нажасдан ажратиб олишдан, қон ва қайт массаларини текширгандан кейин қилинади. Серодиагностикани қилиш учун РА ва РНГА қўйилади.

КАМПИЛОБАКТЕРИОЗ.

Беморларда энтерит (гастроэнтерит) билан кечадиған инфекциян табиатли диареянинг кампилобактериознинг гастроинтестинал формаси билан дифференциал диагностика қилиш керак. Касаллик кўпинча болаларда (1 ёшида), лекин катталарда ҳам бўлиши мумкин. Инфекциянинг асосий манбаи ва резервуари ҳайвонлар бўлади. Одам кўпинча сув ва маҳсулотлар орқали зарарланади.

Инкубацион даври 1-5 кун (1-2 қ). Касаллик ўткир бошланади. Гастроэнтерит ва умумий интоксикация симптомлари кузатилади. Беморлар қўнғил айнишига, эпигастрал соҳада оғриқ бўлишга, қайтга шикаят қиладилар. Нажас кўп миқдорда, суюқ, қўшилмалар сиз бўлади. Сувсизланиш кузатилади. Диареянинг давомийлиги 1-1,5 ҳафта.

Этиологияси бошқа бўлган гастритларнинг кампилобактериознинг гастроинтестинал формасидан дифференциал диагностика қилиш жуда қийин. Бунда эпидемиологик анамнезни эътиборга олиш керак (ҳайвонлар билан мулоқотда бўлиш). Ташхис чақирувчининг нажасда ажралиши билан тасдиқланади. Экиш бриллиант қўки билан бўлган каттик селектив озук муҳитга қилиш керак.

РОТАВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯ

Болаларда ҳам катта одамлардагидек ротавирусли гастроэнтеритда интоксикация ва диарея кузатилади. Гастроэнтерит синдроми иштаха пасайиши, қоринда гирриллаш бўлиши, қўнғил айниш, қайт қилиш билан бошланади. Енгил даражасида беморларда нажас суюқ, кўкимтир-сарик рангда бўлади 5-7 дан 10-15 гача бўлади. Ротавирусли инфекция билан оғриган беморларнинг нажаси билан дифференциал диагностика қилиш жуда қийин. Икки касалликнинг ҳам оғир формаларида сувсизлик кузатилади лекин ротавирусли гастроэнтерит сувсизланишнинг III-IV даражаси жуда кам бўлади. Вабода регидратацион ишларнинг эффективлиги юқори. Ротавирусли гастрэнтеритда сувсизланишни йўқ қилиш интоксикация симптомларини йўқ қилмайди. Ротавирусли гастроэнтеритда беморларда ўзига хос шиллик пардаларнинг катарал ўзгаришлари бўлади, кўпинча улар яллиғланадилар.

Ротавирусли гастроэнтеритларнинг эпидемиологик фарқи кўпинча қиш ва баҳор фаслларида инфекциянинг антропоноз характери билан фарқ қиладилар. Бошқа диареялар билан якуний фарқ қилиш специфик лаборатор усулларда қўллаб қилинади.

АДЕНОВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯ

Аденовирусли инфекцияда вирусли диарея кузатилади. Бу синдромда клиник симптомларининг полиморфизми кузатилади, бошқа касалликлар(кератоконъюнктивит, ренит, фарингит, палиаденопатия, бронхит) эса кузатилмайди. Сувсизлик кузатилмайди, нажас суюқлашади кунига 4-5 мартаба бўлади.

ЭНТЕРОВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯ.

Энтеровирусларга чақирилган сезонлик хос, кўпинча қишда ва баҳорда кузатилади. Касаллик умумий токсикоз ва гастроэнтерит билан кечади. Шиллик қаватларнинг гиперемияси кузатилади. Бу касалликнинг ротавирусли гастроэнтерит билан дифференциал диагностика қилиш қийин. Ротавирусли гастроэнтеритда ичак шикастланиши кузатилади. Нозологик ташхис қонда антителилар титрининг РСК ёрдамида текширилгандан кейин қўйилади. Агар антителилар титри 4 мартаба ошса ташхис асдиқланади.

КОЛИТ СИНДРОМИ БИЛАН РИВОЖЛАНДИГАН ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР. ДИЗЕНТЕРИЯ.

Ўткир дизентерия кузатилади. Инкубацион давр қисқа бўлиб (2-3 кун) сўнгра умумий интоксикация синдроми ривожланади (ҳолсизлик, бош оғриқ, ҳарорат қўтарилиши), бир неча дақиқадан (соатдан) кейин диарея синдроми кузатилади, бу колитик, септик ва оғриқ синдроми билан характерланади.

Қориннинг пастиди оғриқ кўпинча чап ёнбош соҳада даврий-даврий оғриқлар кузатилади. Нажас биринчи кун кўп миқдорда, иккинчи учинчи кунда шиллик ва қон билан ажралади. Интоксикация ривожланганда қайд кузатилади. Оғир

холларда ичакдан ҳеч нима ажралмайди ва анус атрофининг ёрилиши билан асоратланади, кон кетиш, тўғри ичакнинг тушиши, инфекция-токсик шок ҳам асоратланиши мумкин. Сувсизланиш кузатилмайди. Колитик синдроми билан кечадиган сальмонеллезнинг дизентериянинг гастроэнтероколитик формаси билан дифференциал диагностика қилиш қийин лекин сальмонеллезда интоксикация тез ривожланади, ва биринчи соатларда коллапс кузатилиши мумкин, дизентерияда коллапс кам кузатилади ва интоксикация (икки кундан кейин) ривожланади. Сальмонеллезда гастроэнтерит симптомлари кузатилади, дизентериянинг гастроэнтероколитик формасида гастроэнтерит касаллигининг бошида бўлиб кейин энтероколитик синдроми кузатилади. Якуний диагностикани бактериологик, серологик, аллергологик ва инструментал текширувлардан кейин қўйиш керак.

АМЁБАЛИ ДИЗЕНТЕРИЯ.

Кўпинча Ўрта Осиё ва Кавказда ёз ва куз фаслида кузатилади. Касаллик секин ривожланади. Наҳас кунига 3-5 маротаба бўлиб, қуюқ шиллик қўшилган бўлади, кон қўшилганлиги сабабли ранги кизил “малина” бўлади. Интоксикация аломатлари камроқ кузатилади. Жигар катталашади. Коломоскопия қилганда ўнг томонлама гемоколит, ҳар-ҳил катталиқда яралар, йиринг билан тўлдирилган детритор кузатилади.

Амёбали дизентериянинг специфик диагностикаси беморнинг наҳасида вегетатив формасида гистометк амёбаси ажралиши кузатилади лекин бу касаллигининг абсолют исботи ҳисобланмайди, чунки соғломташувчида ҳам бу амёбалар ажралади. Амёбали дизентерияда наҳасда зоинофиллар, Шарко-Лейден кристаллари ва эритроцитлар бўлади.

БАЛАНТИДИОЗ.

Кўпинча чўчкалар билан алоқада бўладиган қишлоқ аҳолисида учрайди. Бу инфекциянинг ўткир формаси амбизозга ўхшайди. Касаллик оғир кечади, интоксикация симптомлари кузатилади, кўнгил айниши, қайт қилиши, совуққотиш кузатилади. Қоринда оғриқлар, наҳас кунига 20 маротабагача, суюқ ва шиллик, кон, сассиқ хидли бўлади. Гепатомегалия кузатилади.

Ректороманоскопияда балантидилзга хос яралар кузатилади. Даволанмаганда касаллик сурункалига айланади.

Балантидиознинг специфик диагностикасини микроскопия (паразитоскопия) ёрдамида қилинади. Ҳар ҳил ичак инфекциялари билан оғриган беморлар балантидия ташувчи бўлиши мумкин.

Диагнозни беморда касалликка хос эпидемиологик, ректороскопик ўзгаришлар бўлса қўйиш мумкин.

ЛЯМБЛИОЗ

Лямблиозда кўпинча энтерит синдроми учрайди. Наҳас кўп миқдорда, суюқ, кўк рангда, ўткир хидли бўлади. Умумий интоксикация симптомлари кузатилмайди. Касаллик рецедив ҳам беради. Қоринда мезогастрий соҳасида оғриқ бўлади. Сурункалига ўтганда касаллик ойлаб, йиллаб кузатилади. Ўт йўллариининг дискенезияси, невротеник синдром ривожланиши мумкин.

Лямблияларни дуоденал суюқлик таркибида, наҳасда, ингичка ичакнинг юқори қисмида топилгандан кейин ташхис қўйилади. Дифференциациянинг қўшимча усули бу “*ex juvantibus*” терапияси, агар у антипротозой даволагандан кейин мусбат натижа берса қўйилган ташхис тасдиқланади.

НОСПЕЦИФИК ЯРАЛИ КОЛИТ.

Носпецифик ярали колитнинг ўткир формаси инфекция ва ноинфекцион диареялар билан дифференциал диагностика қилиш жуда қийин. Касаллик ўткир бошланади, наҳас кунига 10-20-30 маротаба бўлади. Наҳасда кон, шиллик, йиринг бўлади. Интоксикация симптомлари кузатилади. Лекин носпецифик ярали колитда наҳас билан ажраладиган кон кўп миқдорда (5-20 мл) шиллик ва йиринг кейин пайдо бўлади, дизентерияда эса бундай бўлмайди. Ярали колитда дизентерияда кузатиладиган ёлгон чақириқлар бўлмайди.

Колитда кўпинча антибактериал терапия ўтказганда беморнинг аҳволи оғирлашади. Ярали колит билан дизентерияни ректороманоскопия қилгандан кейин дифференциация қилинади. Ярали колитда шиллик қаватнинг ўзгаришлари бўлади, диффуз гиперемия, эрозиялар, резистентликнинг пасайиши кузатилади. Оғир холларда оралик соҳасида анус атрофида терининг мацерацияси, тўғри тушиши кузатилади. Сфинктер иккиламчи шикастлангандан кейин бемор суюқ наҳасни, конни, йирингни сақлай олмайди, ўзи ихтиёрсиз ажралади. Диагностиканинг қўшимча усуллари колоноскопия, рентгенологик, копрологик текширувлар, биопсия, анемия, гипопропротеинемия иммунодефицит ҳолат бўлади.

КРОН КАСАЛЛИГИ

Крон касаллигини носпецифик ярали колитдан фарқи шундаки у йўғон ичакнинг шиллик ости қаватида жойлашган ва узликли характерга эга. Тўғри ичак икки маротаба кам шикастланади. Ректороманоскопияда учоқли ўзгаришлар кўринади узоклашган катта яралар (амёбали шикастланишга ўхшайди).

ДИСБАКТЕРИОЗ.

Ҳар ҳал сабаблардан келиб чиққан. Ичак бактериозиди (ферментатив етишмовчилик, оч қолиш, авитаминоз, актив гармонотерапия, организмнинг иммунологик реактивлигининг пасайиши ва х.) ичакда яллиғланиш процесси ривожланади ва ҳар ҳил кўринишга олиб келади. Инфекция генерализацияланмаганда кўнгил айниш, қайт қилиш, ҳарорат кўтарилиши, шилликли ич кетиш, баъзан кон билан кузатилади. Ичакда газ тўпланиши сабабли перистальтика кучайиши оғриқ билан кузатилади. Ичак дисбактериозидида диареянинг бошқа ичак инфекциялардан фарқи шундаки, ичак инфекцияларида ўткир интоксикация белгилари билан ва тез наҳас билан кечади. Дисбактериозда жараён латент кечади, аста-секин бошланади ва ўтказилган терапиядан кейин ҳам кўп вақт сақланади. Ректороманоскопияда катарал ва катарал геморрогик проктосигмоидит белгилари кўринади, баъзан катта ярали шикастлар.

Вич инфекцияда диарея синдроми 50% беморларда суюқ наҳас кунига 15 марта бўлиши билан характерланади. Ичак инфекцияларининг сабаби ҳар ҳил микроорганизмлар бўлади, Шунинг учун наҳасни бактериологик текшириш керак.

Вич инфекцияда серологик текшириш билан ташхис тасдиқланади.

Адабиётлар:

1. Мажидов В.М. Юқумли касалликлар, Тошкент, 1993.
2. Нисевич Н.И., Учайкин В.Ф. Инфекционные болезни у детей, 1990 г.
3. Носов С.Д. Руководство по инфекционным заболеваниям у детей, 1980 г.
3. Махмудов О.С. Болалар юқумли касалликлари, Тошкент, 1995 г.
4. Учайкин В.Р. Руководство по инфекционным болезням у детей, 1999 г.

УМУМ АМАЛИЁТ ШИФОКОРИ ТАЙЁРЛАШДА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАРНИ ЎРГАНИШ

Маъруза режаси: Гижжа касалликлари этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, лаборатор диагностикаси, дифференциал диагностикаси, даволаш ва профилактикаси.

Гижжа касалликлари (Гельминтозлар) инсоният учун глобал муаммо бўлиб ҳисобланади. Гельминтозларнинг аҳоли саломатлиги ва жамиятнинг ижтимоий, ҳамда уларнинг иқтисодий ривожланишига келтирадиган зарарни ўлчаш жуда қийиндир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари бўйича ичак гельминтозлари билан касалланганларнинг сони 1,4 млрд.ни ташкил этади.

Ўзбекистонда гельминтозлархозиргача ўлқавий одам хасталигида ахамиятли ўринни эгалайдилар. Фаргона, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё, ва бошқа вилоятларининг тоғли минтақаларида аскаридоз ва трихоефлэз ўчоқлари, Амударё сохилларида – Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси тениаринхоз кенг тарқалган. Энтеробиоз ва гименолепидоз шаҳар ва қишлоқ шароитида кўп учрайдиган гельминтозлардир.

Юқиш йўларига нисбатан гельминтозлар уч гуруҳга бўлинади.

1. Геогельминтозлар – кўзгатувчилари тўғри йўл билан ривожланиб (оралиқ хўжайинсиз), одамга инвазион тухумлар (личинкалар билан мавжуд бўлган) билан ифлосланган атрофдаги мухит унсурлари (тупроқ, сабзовот, ер мевалари ва бошқалар) орқали юқиб чалинган касалликлар. Мисоллар: аскаридоз, трихоефалэз.
2. Биогельминтозлар – кўзгатувчилари оралиқ хўжайинлар қатнашиш йўли билан ривожланган ва одамга унинг тана тўқималари орқали юқиб чалинган гельминтозлардир. Мисоллар: тениаринхоз, эхинококкоз.
3. Контакт гельминтозлар- бу геогельминтозларда кўзгатувчилар одам ёнида ривожланиб, унга касалнинг қўллари ва уни атрофдаги буюмлар орқали юқтиради. Мисоллар: энтеробиоз, гименолепидоз.

Яқуний хўжайин танасида гижжа личинкалари ривожланиб етук паразитга айланадилар. Личинкаларни етукликка етиш жараёни ҳар хил гижжаларда ўзгача вақт мобайнида ўтади. Айримларда (масалан, қин гижжа – острица) ривожланиш даври 2 ҳафтада тугаллайди. айримларда эса, бир неча ойга чўзилади (масалан аскарида). Личинкалар ютилганда ривожланиш ёки бевосита ошқозон-ичак йўлида (хўкиз ва чўчка тизмаси, кенг тасмасимон гижжа ва бошқа), ёки мураккаб йўл орқали, қон томирлари ва ҳар хил органлар тўқималарида миграция (силжиб) қилиб ўтади (аскарида, анкилостомиди, стронгилоид ва бошқа.).

Агар личинкалар яқуний хўжайин организмга тери орқали ўтса, улар албатта етук паразитга айланиш жараёнида, мос органда жойлашиш учун миграция қилишади.

Одам организмда гижжаларнинг яшаш муддати ҳар хил бўлади: бир неча ҳафтадан (қин гижжа) бир неча йилгача (хўкиз ва чўчка тизмаси).

Одам организмда бир вақт ичида биттадан ўн минглаб гижжа яшаши мумкин.

Мумкин, ҳаттоки, кенг тасмасимон гижжа ва хўкиз тизмаси каби йирик гижжалар ўнлаб нусха бўлиб яшашлари мумкин. Одамда бир вақтда ҳар хил турдаги гижжалар паразитик ҳаёт кечириши мумкин. Бундай ҳолат микст-инвазия ёки қуша паразитлар инвазияси деб аталади.

Одамларда асосан сурунқ4али касалликларни чақирувчи гнльминтлар, саломатликка турли хастслик таъсирлар ўтказадилар, айниқса, болалар организмда.

Гельминтозларнинг сурунқали кечиши беморларда тез чарчаш, заифлик, иштахасизлик ва бошқа аломатлари билан ифодаланади. Бу кўп кузатиладиган аломатлар шифокорларда паразитоз борлигига шубҳа тугдирмай, кечтирилган ташхисотига ва кўп ҳолларда нотўғри ташхис қўйишга олиб келади.

Гельминтозларнинг одамга хасталик таъсири организмда сенсibiliзация ҳолатини чақириб, унда алергик реакцияларини ривожлантиради, ҳамда захарланиш тўқималар ва қон томирларни механик жароҳатланиши, қон ва айрим озукка моддаларни хазм қилиш, шу жумладан витаминларни, бундан ташқари микроб флорани киргизиш (инокуляция) каби аломатлари билан тарифланади.

Гельминтозлар организмни иммун ҳолатини сусайтириб, эмлашдан кейин вужудланган иммунитет ривожига салбий таъсир кўрсатадилар.

Организмнинг сенсбилизацияси антиген хусусиятларига эга бўлган гижжаларни модда алмашинуви ва парчаланиш махсулотлари томонидан келиб чиқади. Сенсбилизация натижасида организм, антиген моддалари қайта тушганда, аллергик реакцияларни ривожлантириш қобилиятига эга бўлади. Айниқса бу реакциялар супер варевиназия ҳолатларда яққол кузатилади. Умумий аллергик реакциялар тишма, иситма, эозинофилия ва айрим ҳолатларда анафилактика ва шок шаклларда ўтишлари мумкин. Гижжаларнинг механик таъсири хўжайин тўқималарига шикаст етказиш ва яллигланиш жараёнлари билан ифодаланади. Тўқималарни шикастланишда гельминтлар личинкасининг миграцияси (масалан, аскарида) катта рол ўйнайди. Таъсирланган органларда биринчидан, личинка кирган жойда (ичак, тери) тўқима вайронланади ва шикастланиш гижжанинг бутун ўтиш йўлида давом этилади (жигар, ўпкалар ва биошқалар). Иккинчидан, личинкалар қон томирлар деворларини ёриш хусусиятига эгадирлар. Бу жараён йирик, ўчоқли ва нуқтали қон кетиши билан ифодаланади.

Гижжалар организмга эзиш йўли билан механик шикаст етказишлари мумкин. Шу каби кескин ўзгаришларни эхинококк чиқаради. Унинг личинка шакли пуфак, баъзида йирик ўлчамларга эга бўлиб, одамни турли органларда жойлаштириши мумкин. Орган тўқимаси сурункали эзилиши уни атрофиясига ва бириктирувчи тўқима билан битишга олиб келади. Шундай ҳаракатни чўчка тизмасининг личинкаси (цистицерк) ўтказиши мумкин, бу уни мияда жойлашганида катта аҳамиятга эга.

Аскарида ҳам кўп ҳаётга хавфли ҳолатларни қақариши мумкин. Айниқса, етук гельминт нафас олиш йўллари тушгани жуда ҳам хавфли ҳисобланади. Бундан ташқари, гижжалар ўт ва ошқозон ости беги оқаваларига миграцияси, юрак ва қон томирларини шикастлаш ҳамда ёриш каби асоратларга олиб келиши мумкин.

Баъзи гельминтлар қон билан оқатланади (масалан, анкилостом ва некатор). Қонни улар ичак деворларининг шилимшиқ пардаларда жойлашган қон томирлардан ютишади. 2000 анкилостомаларини ичакда мавжудлиги кунига беморни 100 мл қон йўқотишга олиб келади. Бошқа асоратлардан гиповитаминоз ва авитаминоз аломатларидир. Охириги йилларда гижжаларни зарарланган организмда иккиламчи иммунтанкислик ҳолатини чиқариши роли аниқланади.

ЭНТЕРОБИОЗ

Энтеробиоз кўзгатувчиси острица (қил гижжа) – *Enterobius* (L., 1758), юмалоқ чувалчанглар синфига мансубдир.

Гижжанинг модинаси (урғочи зоти) узунлиги 9-12 мм; наринаси (эркак зоти) – 3-5 мм. Қил гижжалар ингичкаичакнинг пастки ва йўгон ичакнинг юқори қисмларида паразитик ҳаёт кечиришади. Тухумдаги личинка ривожланишига кисоарод зарурияти туфайли, модина ичакнинг дистал томонига силжийди (миграция) ва тўғри ичакка тушади. Куннинг кечки ва тун пайтларида у анал тешиқдан ўрмалаб чиқиб, перианал бурмаларга туҳум қўяди. Гелбминтнинг бир модинаси бир вақтда 5000 дан 17000 гача туҳум қўйиши мумкин. Шундан кейин модина ўлади. Гельминтнинг одам организмда яшаш муддати бир ойдан ошмайди.

Тухум етилиши учун кислород мавжудлиги, 60-75% намлик ва 34-37%С харорат каби шароит зарур. Бунда туҳумнинг ташқи муҳитда етилиши 4-5 саотни ташкил этади.

Инвизиянинг ягона манбаи гижжа юқан касал одамдир. Одамга туҳумлар ўтишининг асосий омили сифатида касалнинг қил қўллари, маиший ва таомил ашёлари туҳумлари ҳисобланади. Зараланиш ҳаракатчан личинкаларга эга бўлган етукли туҳумлар ютилганда содир бўлади.

Энтеробиоз билан дардланган беморлар орқа тешиқ атрофидаги кичишга шикоят қилишади. Кўпинча иштаха сусаишини кузатиш мумкин. Бунда бола кечга яқин безовталанади, инжиқ бўлади, узок вақтда ухломмайди, уйқуси безовта бўлади, тез-тез турибинграйди. Йиглайди. Тўшакда безовта ётади. Ёши каттарок болаларда огрик ва тез чарчаш кузатилади. Айрим болаларда эпилептиформ тутқаноқ ва хушдан кетиш аломатлари кузатилиши мумкин. Бундан ташқари қил гижжалар томонидан ичакнинг мўътадил фаёолиятини бузилиши қорин огрик, ичак бодланиш (метеоризм), қабзият ва ич кетиши озукани хазм қилмасликка олиб келиши мумкин. Баъзи беморларда аллергик рнакциялар, захарланиш ва дисбактериоз аломатлари келиб чиқиши мумкин. Қил гижжаларни кечки пайтда айириш ва жинсий органларга ўрмалаб кириши органларнинг тундаги сийдик ушламасликка, қиз болаларда эса, шу органларнинг шамоланиши ва яллигланишига (вулвовагинит) олиб келади.

Энтеробиоз инвизиясининг ташхисоти кўп қийинчилик тугдирмайди. Лекин, кенг қўлланилаётган гельминтозларнинг лаборотор ташхисини копрологик усуллар, паразитнинг биологик хусусияти туфайли, қил гижжаларни ичак ичига эмас, балки туҳумларни перианал бурмаларига қўйгани сабабли, самарасиздир. Энтеробиознинг лаборотор ташхисининг асосий услуби бу перианал бурмаларидан қиринди орқали паразит туҳумларни аниқлашдир.

Энтеробиозни даволашда доимий аутореинвизия (ўз-ўзини зарарлантириш) қийинчилик тугдиради. Шифокорларнинг диққати беморни янги туҳум ютишдан сақланишига қаратилиши шарт. Шу мақсадда даволаш ва олдини олиш тадбирлар мажмуий ўтказилиши тасвия этилиши зарур. Даволаш самарали бемор билан алоқа бўлган одамларни даволаш билан боғлиқдир.

Даволашдан олдин бемор гижжа туҳумларни тушириши учун албатта чўмилиши. Ювиниши лозим. Шу билан бирга ич қийим. Кўрпа-тўшак ювилиши, ювилмайдиганларни дазмоллаб қўйилиши шарт уй ва хоналарни айниқса хожатхонани дахлизни эшик ушлагачларни қир ювиш воситалари билан тозалаш керак. Яна хар қуни нам йиғиштириш ўтказиш керак (совун билан болалар ўйинчоқларини ювиб, гиламларни чанг юткич билан тозалаб). Беморнинг трусигини хар қуни дазмоллаш керак. Трусиқлар торроқ бўлиши лозим. Шахсий гигиенага риоя қилиш ҳам катта аҳамиятга эга (овқатдан олдин, кўчадан ва хожатхонадан келганда қўл ювиш шарт, тирноқ вақтитда олиниши зарур ва бошқа.).

Энтеробиоз пирантель (Гелбминьокс, Комбантрин), риреразин адипинати, пирвиний памоати (Ванквин), мебендазол (Вермокс), медамин каби дорилар билан даволанади.

Гельминтокс энтеробиоз билан дардланган беморларнинг даволашда самарали препарат деб ҳисобланади. У турли ёшдаги гуруҳларга таблетка (125 ва 250 мг дан) ва орал суспензия шаклида чиқарилади. Ўсмирлар ва катталарга бир маротабалик уч таблеткадан. Боалларга 125 мг (бита кичик ёки ярим катта таблетка) бир маротабалик белгиланади. Уч хафтадан қийин даволаш қайталади.

Кичик ёшдаги болаларга гельминтоксниорал суспензия шаклида белгилаш қулайдир. Бир ўлчамли қошиқ хажми препаратни 125 мг га тенгдир. Орао суспензия ўлчамлари: 10 кг гача-1 ўлчам қошиқ; 20 кг гача- 2 ўлчам қошиқ; 30 кг гача 3 ўлчам қошиқ; 40 кг гача 4 ўлчам қошиқ; 50 кг гача 5 ўлчам қошиқ.

Қарши кўрсаткичлар: жигар фаёолиятини бузилиши ва хомилдорлик.

Пиперазин адипинати. Бир кунга 1 ёшгача бўлган болаларга 0,4г 2-3 ёшдаги-0,6, 4-6 ёшдаги-1г, 7-9 ёшдаги-1,5г, 10-14 ёшдаги -2г 15 ёшдан катталарга -2-3г. Кунлик ўлчам 2-3 мартага бўлиб белгиланади. Даволаш даври 3-5 кун давом этади. Зарур бўлганда ҳар 7 кунда бу давра яна уч марта қайталаниши мумкин.

Препарат камзаррали ва даволаш ўлчамлари ёндош асоратларни чиқармайди. Баъзида, энгил кўнгил айниш, корни огриги, тез ўнадиган бош огриқи каби аломатлар кузатилиши мумкин.

Қарши кўрсаткичлар: марказий асаб тизими томонидан хасталик, эпилептиформ тутқаноқлар ва томир тортилиши..

Пирвиний намоати (Ванкин, Ванквин). 10 кг тана вазнга нисбатан 1 драже ёки 1 қошиқ суспензия белгиланади. Драже чайналмасдан, бутунлай ичилиши лозим. Шунинг учун 7 ёшгача болаларга драже шакли тасвир этилмайди. Бунда фақат суспензиядан фойдалангани маъқул. Зарур бўлганда даволаш 2-3 марта 2 ҳафталик танаффуслари билан қайталанади.

Одатда препарат яхши ичилади. Баъзи ҳолатларда бош огрик, бош айланиш, диспептик аломатлари, камдан-кам вазиярда қусқу кузатилади.

Препаратни ичак каслликларда белгилаш тақиқланади; жига рва буйрак фаёолиятини бузилганда дорини эҳтиёткорлик билан қабул қилиш керак.

Комбантрин тана вазни ва ёшга қараб қуйдаги ўлчамларда белгиланади: 2 ёшгача-1 ўлчам қошиқ (125 мг); 2-6 ёшдаги -250 мг (1 табл.); 6-12 ёшда-500 мг (2табл.); 12 ёшдан катталарга (75 кг гача) -750 мг (3 табл.); 72 кг оғирроқ катталарга-1000 мг (4 табл.) 4 таблетка кунлик максимум ўлчами. Дори 1-3 кун қабул қилинади.3-4 ҳафтада қайталаниши шарт. Ичишдан олдин таблеткалар чайланиши зарур.

Қарши кўрсаткичлар: хомилдорлик, жигар касаллиги. Пиреразин билан бирга белгилаш таъқиқланади.

Мебендазол (Вермокс, Vormin? Vormisle) бир мартаба 100 мг дан (1 табл) белгиланади. 2 ва4 ҳафтадан кейин қайталанади.

Қарши кўрсаткичлар: хомилдорлик. Аллергия. Меърдан ортиқ белгиланганда аллергия ва диспептик аломатлари кузатилиши мумкин.

Медамин тана вазнга нисбатан 1 кг га 10 мг кунига уч мартага бўлиб белгиланади, икки кун давомида. Икки ҳафтадан кейин қайталанади.

Энтеробиозни олдини олиш шахсий гигиена риоя қилишдан ташқари. Болалар муассасаларини ва у ерда ишлайдиган ҳодимларни қайта-қайта текширишдан ўтузиб. Аниқланган беморларни даволаш каби тадбирлар биалн ифодаланади.

ГИМЕНОЛЕПИДОЗ

Гименолепидоз кўзгатувчиси – *Humanolepis nana* (Siebold. 1852)- пакана гижжадир. Пакана гижжа ясси чувалчанглар синфи (шестодалар) га мансубдир. Паразитнинг узунлиги 1-4 см дир. Етук шаклида гижжа ингичка ичак бўшлигида. Личинка шаклида эса. Ингичка ичакни нг сўргичларида (ворсинкаларида) хаёт кечиради. Пакана гижжа одам танасида ўсишини бошлаб ва тугаллайдиган гелминтлар гуруҳига киради. Паразитлар сони якка зотдан ўн минглаб зотлар билан таърифлаш мумкин.

Гименолепидоз билан асосан болалар дардланади. Инвазия манбаи бу ўз ахлати орқали пакана гижжа тухумларини ёйдиган зарарланган одамлардир. Гименолепидоз билан зарарланиш хожатхонадан фойдаланганда уни қўлига (зарарланган эшик ушлигичлари, кабинкалар деворлари, ўтиргичлар) тухумлар тушганда келиб чиқади. Бундай ташқари, зарарланиш кўчилик фойдаланадиган тунги хожат туваги. Бемор билан бевосита алоқа бўлганда келиб чиқади. Зарарланиши бу йўли шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинмаганида. Одам зич бўлган ва қониқарсиз манший шароитларда содир бўлади.

Гименолепидоз билан дардланган беморларни кўнгил айниш. қусқу, оғиздан суюқлик оқиш, зарда бўлиш ва иштаха бузилиши безовта қилади. Беморлар овқат миқдори ва овқатланиш вақтига боглиқ бўлмаган хуружли қайталанадиган. Ингичка ичак жойлашган проекциясида пайдо бўлган зиркирок огрикларга арз қилишади. Одатда огрик хуружи 1-2 соат давом этади.

Гименолепидозда беморларнинг умумий ҳолати кескин ўзгаради. Бунда ёмон сезиш. Холсизланиш, юқори таъбирланиш кузатилади. Болаларда ҳаракат сусаяди, хотира пасаяди, катталарда эса ишга лойиклик тушади. Гименолепидоз билан дардаланган болалар жисмоний ва рухий ривожланишдан қолиб кетишади, баъзиларда эпилептиформ тутқаноқлар ривожланиши мумкин, асабли тортинишлар ва ҳушдан кетиш аломатлари кузатилади. Гименолепидоз асорати, кўпроқ катталарда аллергия реакциялар вужудланади (тошмалар, тери қичиш, вазомотор ринити ва бошқ.).

Ташхис Лернер-Гоголь, Калантарян, Фюллеборн усуллари, ҳамда Катонинг йўғон суртма усули орқали пакана гижжа тухумлари топилгани асосида қўйилади. Пакана гижжа тухумлари даврлари чиққанликлари туфайли манфий натижалар олинганда тахлиллар қайталанишлари шарт. Гименолепидоз энг қийин даволанадиган одам гелминтозлари гуруҳига киради. Бу пакана гижжа ривожланиш даврининг махсуслиги ва бемор организмнинг инвазияга ўзига хос раекцияси билан боғлиқдир.

Даволашда энг самарсли ва камзарар препарат фенасал ҳисобланади.

Фенасал билан даволашда бир неча схема

мавжуддир.

- 1.Схема: етти икки кунлари давра беш кунлик танаффуслари билан. Фенасал даволаш кунлари тегишли ўлчамларда белгиланади: 6 ёшгача-1г; 6-9 ёшдаги-1,5г; 9 ёшдан юқори-2г. Бир курслик белгилаш миқдори-7-28г.
- 2.Схема: икки тўртлик кунлик давра тўртлик кунлик танаффуслари билан. Препарат кунлик ўлчамларда белгиланади: 2 ёшгача-0,6г; 3-5 ёшда-1г; 6-12 ёшда -1,6г; 13 ёшдан юқори ва катталарга-2,0г. Кунлик миқдор тўрт қабулга бўлиб берилади, икки соатли танаффуслари билан.
3. Схема: Фенасал олти кун давомида бир мартабалик, ёшига қараб белгиланган ўлчамларда берилади: 2-7 ёшда-2,0г; 8 ёшдан юқори болалар ва катталарга -2,5г. Бир курс ўлчами-12-15г. Фенасал эрталаб, оч қоринга ёки энгил нонуштадан кейин белгиланади.

Празиквантель (Бильтрицид, Азиеокс) кунига бир марта 25 мг/кг ўлчамда белгиланади. Дори яхши чайналиб ичилиши шарт.

Гименолепидоз билан кураш аҳолига гигиена тадбирларини ўтқизиш, уйларни ва болалар муассасаларини яхши санитар ишлов бериш, ҳамда касалларни аниқлаш ва уларни тез даволаш йўллари орқали олиб борилиши шарт. Аниқланган беморларни тез равишда гелминтлардан соғломлаштириш зарур. Зарарланган болаларни тузалганича соғ болалардан яқкалаш керак.

Гименолепидоз билан курашда яшаш жойлар ва хожатхоналарни астойдил ўтказилган санитария ишлов тадбирларининг аҳамияти жуда хам катта. Хожатхона ва тунги тувакларни қайноқ сув, 5% лизол ва креол эритмаси билан зарарланттириш қулайдир. Туваклар ҳар ишлатилишдан кейин, хожатхоналар эса кунига бир неча марта зарарсизланттиргани маъқулроқ.

ТЕНИАРИНХОЗ

Тениаринхоз кўзгатувчиси - *Taeniarrhynchus saginatus* (Goeze, 1782)-хўкиз тизмасидир (қуролланмаган).

Хўкиз тизмаси ясси чувалчанглар-цестодалар-синфига мансубдир. Хўкиз тизмаси танаси ясси тизма шаклида бўлиб сколекс (бошчаси) бўйни ва стробиладан иборатдир. Сколексда тўртга бақувват мушакли сўрғичлар мавжуд. Гельминтнинг узунлиги 4-12м га етади, лекин ундан ҳам йирик зотлар ҳам учрайди. Стробила 6-7м га етганда вояга етган бўғинлар навбат билан ажаралиб, ўзлари ёки нажас орқали ташқарига чиқишади. Ҳар куни ўртача 6-11 (1 дан 23 гача) бўғин чиқиши мумкин. Ҳар бир етилган ва ажралган бўғинда (проглоттидада) 145-175 минг тухум бўлиши мумкин. Ташқи муҳитда тушган бўғинлар бир неча вақт давомида силжиб кўп миқдорда тухум чиқаришади. Тухумларнинг қобиғи тез вайронланади ва озод бўлган онкосфералар узок вақт давомида (бир неча кундан бир неча йилгача) тупрок, чим, ўтлоқ, чорва яшаш жойлар ва хоказаларда сақланади.

Хўкиз тизмаси оралик хўжайин бўлиб, онсоффералар билан зарарланган йирик шохли мол ҳисобланади. Онсоффералар ичак деворидан майда қон томирларга ўтиб, оралик хўжайинни бутун организмга тарқаладилар. Онсоффералар одатда, мушакларда (юрак, тил, скелет ва жағ) қолишади У ерда цистицерк ёки финнага айланишади. Цистицерк (финна) бу шаффоф суюкликда тўлдирилган пуфакдир. Цистицеркларни мол мушакларда яшаш муддати-8-9 ой. Хўкиз тизмасининг ягона охирги хўжайини одам ҳисобланади.

Хўкиз тизмаси ингичка ичакда паразитик ҳаёт кечиради. Озуқа ширалари ва ўт таъсирида одам ичагига тушган финнадаги сколекс ташқарига ағдарилиб, сўрғичлари ёрдамида ичак деворининг шиллик пардасига ёпишади. Бунда бўғинларнинг шаклланиши ва ўсиши бошланади ва 2,5-3 ойдан кейин катта гижжаларга айланади. Хўкиз тизмасининг яшаш муддати жуда ҳам узок ва бир неча ўн йиллар билан ўлчанади. Тениаринхоз билан зарарланиш термик ишлови қониқарсиз ўтказилган (яхши қайнатилмаган қовурилмаган йирик шохли мол гўштини исьтемом қилиш натижасида содир бўлади. Аёллар тениаринхоз билан асосан гўшт таъмини татиб кўрган зарарланадилар. Беморлар умумий ҳолсизлик, заифлик, иштаха бузилиши, қориннинг ҳар жойдан келиб чиққан оғриғи, кўнгил айниши, бодлаш, қабзийат ва ич кетиш каби аломатларга шикоят қилишади.

Гельминтозларнинг ташхисотида қўлланаётган копрологик таҳлилнинг оддий усуллари тениаринхозда камсамарали, чунки бемор нажасида хўкиз тизмаси тухумлари ва онкосфералар камдан кам учрайди. Ташхис асосан, нажасни макроскоп текшириш орқали ўтказилади. Ректал ва перианал қириндини микроскопияси жуда ҳам самарали чунки хўкиз тизмаси бўғини орқа тешиқдан чиққанида ундан кескин тухум чиқиши содир бўлади. Тухумлар тўғри ичак деворлари ва перианал бурмаларида қолиши мумкин.

Аҳолини оммавий текширганда энг тарқалган усул бу бўғинлар чиққани-ни суриштириб билишдир (анамнестик усул). Тениаринхоз билан дардланган беморлар қуйдаги дорилар билан даволанишади.

Фенасал: боларга 3 ёшгача-0,5г; 3-5ёшда-1г; 6-9ёшда-1-1,5г; 10-12ёшда 1,5-2,0г; 13ёшдан юқори ва катталарга-2,0г. Дори беришдан бир неча илдин энгил овқатланиш тавсия этилади. Фенасал эрталаб оч қорига, нонушадан икки соат олдин берилади. Фенасалини ичишдан олдин чой содасини сув эритмаси ичилиши шарт-катталарга 200,0мл га 2г сода (0,5 чой қошиқ миқдорда), болаларга-1г. 20 дақиқадан сўнг фенасал 1:1 шакар билан яхши аралаштирилиб ва бир пиёла илик сувда эритилиб омухта шаклида ичилади.

Дихлосал (фенасал вадихлорофен маъжуни) ва *Трихлосал* (фенасал ва трихлорофен маъжуни). Бу препаратларда 2,0 фенасал ва 1,0г дихлорофен ёки трихлорофен мавжуд. Препаратлар тенг ҳажмда шакар билан яхши аралаштириб, 50,0 мл илик сувда эритилиб очқоринга беморга ичказилади. Болаларга 3ёшгача-0,5г фенасал ва 0.1г дихлорофен (ёки трихлорофен); 3-5ёшда -1,0 ва 0,2г мувофиқ; 6-9ёшда 1.5 ва 0,3г; 9-15ёшда-2,0 ва 0,4г; 16 ёшдан юқори ва катталарга-2,0 ва 1,0г.Трихлорофен оч қоринга ёки 2 соат энгил кечки овқатдан кейин берилади. Кунлик миқдор 1кг тана вазнга 40мг ни ташкил этади. Кунлик ўлчам бир вақтда ичилади. Празиквантль икки ёшдан катта бўлган болаларга ва катталарга бир мартабалик 5-10 мг\кг ўлчамда берилади, 10-12 кундан кейин қайталаниши шарт. Одам қатори, йирик шохли мол эпидемик занжирга қатнашгани, тениаринхозга қарши курашда ветеринария ва тиббиёт тадбирларини мажмуи ўтказилиши талаб қилади. Бунинг учун аҳолини оммавий текширишда анамнестик усули қўлланиши мақсадга мувофиқдир. Чорвадор ва бошқа эпидемиологик хавфли гуруҳларни текширилганда, сўров усули перианал бурмаларидан қиринди усули билан бирга ўтказилиши шарт.

Дегельминтазация ўтказилгандан сўнг беморлар беш ой давомида, ҳар ой қайта кўрикка тушиб. Назорат қилинишади. Агар шу вақт ичида бўғинлар чиқиши кузатилмаса, бемор тузалган деб ҳисобланади ва диспансер назоратидан озод қилинади. Тениаринхоз профилактикасида, аҳолига зарарланиш йўллари ва олдини олиш тадбирларини ўргатиш мақсадида, санитария-маърифат ишларининг ахамияти жуда ҳам катта. Ветеринария тадбирлари йирик шохли молларни финноздан зарарланишидан сақлаш учун фермаларни ободонлаштириш ва чорва сақлаш шароитларни яхшилашга қаратилиши шарт. Шохли моллар танасининг финнозга ветеринария-санитария экспертизаси қуйдагича ўтказилади. Танани финноз билан зарарланганини текшириш учун тил, бўйин, юрак мушаги, чуқур бикин мушаклари ва диафрагма мушаклар гўштини кесиб кўриш керак. Агарда, 40см кесилган майдонда 3 финноздан зиёд топилса, унда гўшт яроқсиз топилади ва ишлатилмайди. Ўша шароитда гўшт кесимидан 3 дан кам финнлар топилса, у шартли-яроқ деб топилади ва тегишли зарарлантиришдан сўнг маҳсулотда ишлатилиши мумкин. Гўшт зарарлантириши музлатиш йўли орқали ўтказилади: 1) гўшт-12С ҳароратга музлатилади васақланишсиз юборилади: 2) гўшт-6С ҳароратгача музлатилиб, -9С ҳароратда музлатиш камераларда 24 соат давомида сақланади.

АСКАРИДОЗ

Аскаридоз одам организмиде аскарида- *Ascaris lumbricoides* (L. 1758)-паразитик ҳаёт кечиргани туфайли келиб чиқади. Аскаридоз-икки жинсли йирик нематодадир. Модинасининг узунлиги 20-44см гача наринасининг эса-12-25см гача. Гельминт одамнинг ингичка ичагида паразитик ҳаёт кечиради.

Етилган нарина кунига 240000 га яқин тухум ажратади, улар нажас билан ташқи муҳитга чиқади.

Механик ва кимёвий таъсирларидан муртақни химояловчи беш қаватли оксил-ёғли қопламга эга бўлган, аскарида тухумлари ташқи муҳитда узок вақтда сақланишлари мумкин (10 йилдан зиёд). Тупроқга тушган тухумларда, ижобий шароитда (харорат+24С ва намлик), личинкалар ривожланиб етук (инвазион) ҳолатига айланишади. Одам ичигига ҳар хил йўл орқали (зарарланган озуқа ёки қир қўл тушиб, личинкалар тухумни тарқ этишади, ичак деворига кириб томирларга тушадилар, вена қон орқалижигарга кейин юракнинг ўнг қисмига ва кейинчалик ўпка артерияларига ва ўпкага тушади; у ерда бир неча кундан икки ҳафтагача қолишади. Ўпка капиллярлари орқали бронхларга ҳаракатчан ўтишади, улар орқали трахеяга. Кейин ҳалқумга ва ниҳоят, оғиз бўшлиғида сўлак билан яна ичакка тушадилар. Ингика ичакда личинкалар ўсишади ва 75-90 кундан кейин ривожланиб етук зотга айланишади. Катта зотнинг ичакда паразитик ҳаёти бир йилдан ошмайди. Инвазия манбаи, организмда вояга етган аскардалар паразитик ҳаёт кечадиган, касал одамдир.

Аскариндоз билан зарарланиш тупроқ, сабзавот, мева, сув ва ташқи муҳитнинг бошқа унсурлари орқали содир бўлиши мумкин. Аскариндоз юқишда қўллар (тупроқдан оғизга қўл билан аскарида тухумлари тушади) аҳамияти жуда ҳам катта. Тупроқ, аскарида тухумлари билан нажас ташқи муҳитга ёйилганида, ахлат чуқурлари ва ободонлаштирилмаган хожатхоналардан ахлат оққанда, томорка экинларига зарарсизлантирилмаган нажаса ишлов берилганда, нажас халат йигув майдонларга олиб борилганида ва бошқа., зарарланиши мумкин. Одатда, тухумларнинг кўп миқдори хожатхоналар атрофида, томоркаларда ва болалар оммавий ўйнайдиган жойларда топилади.

Аскариндознинг манзали кечиши, паразитнинг ривожланиш даврига мувофиқ, икки босқич мавжудлиги билан ифодаланади. Биринчи босқич аскарида личинкалари ўпкада борлиги билан боғлиқдир. У ўпкаларда яллиғланиш ва тез ўтадиган эозинфил инфилтратлари, ёки юқори нафас йўллари катари аломатлари билан кечиши мумкин. Баъзи ҳолларда бу босқич аломатсиз ўтиши мумкин. Иккинчи босқич катта аскардалар томонидан чалинган, ошқозон-ичак йўли ва асаб тизими хасталиги билан ифодаланилади. Беморларда одатда, иштаҳа сустлиги, кўнгил айниш, қуску. Бош айланиш. сўлак оқиш, қориннинг тутиб-тутиб оғриши, қорин бодлаши, жиртақлик, кабият ва ич кетиш, бош оғриғи, катталарда ишга яроқсизлик ва болаларда ўзлаштиришнинг пасайиши каби аломатлар кузатилади. Айрим вазиятларда аскардалар ичак ва ўт йўллари беркитиб (обтурация) шошилич жарроҳлик ёрдамига муҳтожликни чақиради.

Аломатлар кўп қиёфали бўлгани туфайли аскариндознинг дифференциал ташхисоти дастлабки босқичда жуда қийиндир.

Қон таҳлилда эозинофилия кузатилиши мумкин, лекин бу араз аскариндознинг патогномик эмас, айниқса бу билан бирга ёндош касалликлар мавжуд бўлса баъзи дори воситалар ичилганда ва бошқаларда.

Рентген орқали ўпкаларда учар Леффлер инфилтратлари аниқланишлари мумкин. Лекин бу аниқлаш усули кўп маротаба нурланиш талаб қилгани туфайли фақат ўпка касалликларининг дифференциал ташхисотига мосдир. Шунинг учун аскариндознинг ташхисотида энг аниқ ус лубу нажасда тухумларни аниқлаш усули (копроовоскопия усули). Аскардалар вояга етганда нажасда тухум топилгани учун, ташхис қўйиш қийинчилик туғдирмайди. Ташхис учун натив суртма, Катонинг йўғон суртмаси, Фюллеборн, Калантарян ва Лернер-Гоголь усуллари қўлланилади. Аскариндозни даволашда қуйдаги препаратлардан фойдаланилади.

Гельминтокс- энтеробиозга қарши схема бўйича белгиланади.

Пиперазин адипинати- кунига 2маҳал 1,5-2соат танаффуслари билан икки кун давомида белгиланади. Ўлчамлари: 1ёшгача-0,2г (бир маротабалик ўлчами); 2-3ёшда-0,3г; 4-6ёшда-0,5г; 7-9ёшда-0,75г; 10-14ёшда-1,0г; 15 ёшдан юқори ва катталарга-1,5-2,0г.

Аскариндоз ўчоқларида аҳолини оммавий даволаганда кунлик ўлчам бир мартага бутунлай берилади: 7-9ёшда-1,5г; 10-14ёшда-2г; 15ёшдан юқори-3-4г.

Болалар учун пиперазин 5% суспензия шаклида берилади: 1десерт қошиғи-0,5г, 1ош қошиғи-0,75г. Даволаш самарадорлиги бир ойдан кейин назорат қилинади.

Декарис (Левамизол гидрохлориди) бир маротаба қуйдаги ўлчамларда белгиланади: 14ёшгача болаларга-2,5мг\кг, катталарга-150мг.

Комбантрин (Пирантел памоати)-болаларга ва катталарга бир маротабалик ўлчами-10мг\кг тана вазнга. Таблетка яхши чайланиши керак.

Қарши кўрсаткичлар: хомиладорлик, пиперазин билан бирга бериш.

Мебендазол (Вермокс) 14ёшгача болаларга 10мг\кг тана вазнга бир маротабалик ўлчамда ва катталарга 500мг бир марталик берилади.

Қарши кўрсаткичлар: хомиладорларга ва 2ёшгача болаларга берилмайди.

Медамин-болалар ва катталарга -10мг\кг тана вазнга ўлчамда кунига уч маҳал уч кун давомида белгиланади.

Қарши кўрсаткичлар: хомиладорлик.

Аскариндозга қарши кураш санитария-профилактика ва даволаш профилактика тадбирлар мажмуи билан ўтказилади. Аскариндознинг интенсив ўчоқлари (30% дан зиёд юқиш) дигельминтизация бутун аҳолини оммавий даволаш 2 маротаба ўтказилади: эпидмавсум бошида (апрел-май) ва эпидмавсум охирида (ноябр-декабр). Аҳоли масканларини санитария ҳолатини яхшилашда, ташқи муҳитни ифлосланишдан муҳофаза қилишда, ҳамда томорка ўғитланишига ишлатиладиган нажасни зарарсизлантиришда фаол иш олиб борилиши керак. Аскариндозга қарши курашда, инвазия билан юқиш йўллари кўрсатишга ва уни олдини олишга қаратилган маърифат-санитария тадбирларини аҳқимияти жуда ҳам катта. Шахсий прафилактика мева ва сабзавотларни яхши ювишга, озуқа маҳсулотларни пашшалардан сақлаш ва шахсий гигиена риоя қилишга боғлиқдир.

ТРИХОЦЕФАЛЁЗ

Трихоцефалёз одам организмда соч бош гижжанинг паразитик ҳаёт кечирганидан келиб чиққан касалликдир.

Соч бош гижжа-*Trichocephalus trichiurus* (L, 1771)-юмалок чувалчанлар (нематодалар) га мансубдир.

Наринанинг узунлиги-3-4,5см, модинасининг эса-3,5-5,5см. Соч бош гижжанинг катта зотлари кўр ичак ва уни ёнидаги йўғон ичакнинг қисмларида паразитик ҳаёт кечиришади. Шу ерда нариналар кунига 1000-3500 тухум қўйиши мумкин, тухумлар нажас билан ташқи муҳитга чиқишади. Трихоцефалёз юқиш омиллари аскариндоздагидек: тупроқ, сабзавотлар, мевалар, сув.

Одам организмга кирганида 30-45 кундан кейин, тухумдаги личинка етукланади ва паразит тухум қўйиши бошлайди. Бемор организмда паразитлар 5 йилгача яшашлари мумкин. Соч бош гижжа тухумларини ташқи муҳитда ривожланиш 20-24 кун давом этади. Трихоцефалёзнинг манзарали аломатлари зарарланиш даражасига нисбатан фарқланади. Беморлар иштаҳа бузилиши, кўнгил айниш, бодлаш, қориндаги ўткин-ўткин оғриқларига шикоят қилишади. Агар зарарланиш даражаси баланд бўлса, беморларда сурункали ич кетиш ривожланади. Бундан, ташқари қаттиқ қорин

оғриғи ва қон айланиш нажас кузатилиши мумкин. Беморлар умумий холсизликка, бош оғриқ, бош айланишига ва болаларда тутқанок пайдо бўлишига шикоят қилиши мумкин.

Ташхисот. Паразит тухулари нажасда зарарланишдан 2 ойдан кейин пайдо бўлишади ва уларни копроовоскопия текшириш билан топиш осон кечади (натив суртма, Катонинг йўғон суртмаси, Фюллеборн, Калантарян ва Лернер-Гоголь усуллари ёрдамида).

Трихоцефалёзни даволашда мебендазол ва медамин ишлатилади.

Мебендазол (Вермокс) катталарга 100мг дан, кунига икки маҳал, уч кун давомида белгиланади.

Медамин худди аскариндозни даволагандай белгиланади.

Трихоцефалёзга қарши кураш ташқи муҳитни муҳофаза қилиш йўли, аҳоли яшайдиган масканларни тозалаш, ахлатларни зарарлантириш ва бошқа санитария-профилактика тадбирлари ёрдамида ўтказилиши зарур.

Адабиётлар:

1. Мажидов В.М. Юқумли касалликлар, Тошкент,1993.
2. Нисевич Н.И., Учайкин В.Ф. Инфекционные болезни у детей, 1990 г.
3. Носов С.Д. Руководство по инфекционным заболеваниям у детей,1980 г.
3. Махмудов О.С. Болалар юқумли касалликлари, Тошкент, 1995 г.
4. Учайкин В.Р. Руководство по инфекционным болезням у детей, 1999 г.
5. Абдиев Т.А., Вахабов Т.А. ва бошқалар. “Гижжа касалликлари ва уларнинг олдини олиш. Услубий тавсиянома. Самарқанд. 2006 йил.

МАНВУ: ЎТА ХАВФЛИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ЭРТА ВА ҚИЁСИЙ ТАШХИСИ. ШИФОКОР ИШ РЕЖАСИ.

Маъруза режаси: умумий амалиёт шифокорлари тайёрлашда ўта хавфли касалликлар эрта ташхисоти ва қиёсий ташхисоти муҳим рўл касб этади. Маърузанинг асосий мақсади талабаларни касалликнинг клиник белгиларига асосланиб эрта ва қиёсий ташхисотини ўргатиш.

ҚУТИРИШ

Кутириш бу уткир зооноз вирусли касаллик булиб, у марказий асаб системасини шикастланиши (энцефалит) билан кечади ва улимга олиб келади.

Этиология – нейротроп вирус булиб Rhabdoviridae оиласи Lissavirus турига мансуб. Катталиги 80-180 нм булиб, РНК соулочви вирусга киради. Вирусни ҳам 2 хил варианты мавжуд. Ёввойи вариант – табиий хайвонлар ичида айланувчи вариант .

Фиксацияланган – антирабик вакцина олишга ишлатиладиган . Бу 2 вариант антигенлик хусусияти бир хиллиги билан ухшаш.

Табиий шароитда вирус нейронларда репликацияланади ва специфик Бабеш-Негри таначаларини ҳосил килади. Ташқи муҳитга вирус чидамсиз булиб, қайнатилганда 2 мин да улади.

Эпидемиология – кутириш зооноз касаллик булиб табиатда касаллик манбаи тулки,итлар, бурилар, қур шапаллақлар, шу билан бирга уй хайвонларидан хонаки итлар, мушук ва бошқа хайвонлар ҳисобланади. Хайвонларда вирус сулаги билан касалликнинг инкубацион даврида (7-10 кунда) ажралади. Юқиш йули тишлаш, жароҳатланган тери орқали. Контагиозлик юқори.

Патогенез ва патологиканатомияси. Виускиргандавозасидан нерв толаси бўйича марказий асаб системасига етиб боради. Ва учунчок мияда гиппокамда йигилади..Бу эса кузгалишчакиб паралич чакиради. Краниал нерв жароҳатланишидан беморда сулак ажалиши ва терлаш қусаяди. Касаллик якунида кон-томир ва нафас маркази паези кузатилади. Гистологик Бабеш-Негри таначалари топилади.

Клиникаси. Кутириш касаллиги – бупрогрессивланувчи нейовиусли касаллик булиб, унингклиник кечишида би неча фазалар ажатилади.

1. Инкубацион.
2. Бошланғич еки продромал (депрессив давр)
3. Авж олиш ёки кузгалиш даври
4. Терминал еки паралитик даври

Инкубацион давр уртача 10-30 кунни ташкил килади. Бу давр давомлиги тишлаган жой локализациясига беморнинг ешига, хайвон турига макроорганизм реактивлигига жароҳат улчами ва чуқурлигига жароҳатга тушган вирус сонига боғлиқ.

Продромал давр1-3 кун давом этиб, бунда касалликнинг илк белгилари жароҳат соҳаси кизариши, шиши, нерв толалари бўйича неврологик оғриқлари пайдо булади. Беморда умумий белгиларидан бош оғриши, диспептик холат, субфебрилитет, катик товуш ва еруклик екмаслиги кузатилади.

Авж олиш даври бемор апатия холатидан кузгалиш холатига утади . Беморда прогрессив нафас ва ютиш функциясини бузилиши, гидрофобия (сувни қурганда еки ютганда халқум мушаклари спазми кузатилади), аэрофобия, акустофобия, фотофобия, қурқув холати, скелет мушаклари судорогалари, тремор, спазм кузатилади. Беморда маълум вақтдан кейин мидриаз, цианоз, нигохни бир нуктага тикилиб қолиши, инспиратор хансираш қусиш агрессив,жаҳлдорлик ва серхаракатлик булади. Беморда онг бузилиши белгилари, қурув ва эшитув галлюцинациялари кузатилиши мумкин.

Бир оз вақт утганидан кейин бемор хуружлари тугайди, психика тинчланади ва бемор булиб утган нарсалар ва узини холати хақида тулик гапириб беради. 1-2 кун дан кейин бемор ахволи янада оғирлашади. Беморда гиперсаливация ва сиалорея, совук тер, тана хароатини прогрессив кутарилиши, тахикардия, нафас олиш бузилиши белгилари пайдо булади. Авж олиш давр уртача 3-4 кун давом этади.

